

ISSN 2181-9521

№ 4-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



XXI АСР СИНОВИ: КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ, ИНГРАЁТГАН ОЛАМ, ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ



“Бутун дунё одамлари мисоли бир бутун тана. Тананинг қай бир жойи оғривса, бутун вужуди зирқирайди.”

Шайх Саъдий ШЕРОЗИЙ хикмати

2020 йил 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон фармони қабул қилинди.



Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, бутун дунё ҳамжамияти битта муҳим ҳақиқатни тан олиши керак. Пандемиядан олдинги эски ҳаёт тарзига қайтиш ўта секин ва ёқимсиз бўлиши мумкин. Бунинг учун кўп вақт ва катта сабр талаб этилади.



Ўзбек халқи азал-азалдан сабр-бардошли, иродали, бир-бирига меҳрибон. Ҳар қандай вазиятда ҳам бир тану, бир жон бўлиб, аҳиллик ва иноқлик билан оғир синовларга бардош беради ва енгиб ўтади. Яратган ҳам бир-бирига меҳр кўрсатадиган бандаларига меҳрибонлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 28 апрелдаги №08-сонли қароридан кўчирма:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Судлар шуни назарда тутиши лозимки, карантин даври ва шартлари Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорлари билан белгиланади ва расман бекор қилингунга қадар амал қилади;

- Судларга тушунтирилсинки, карантин амал қилиши даврида даъво муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 156-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларига асосан тўхтатилади.

Бунда шунга эътибор қаратиш лозимки, агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилиши давом этиб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхтатилади.

Даъво муддатининг тўхтатилишига асос бўлган карантин бекор қилинган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, агар даъво муддати олти ойдан кам бўлса, даъво муддатига қадар узайтирилади;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг учинчи қисмига кўра, ба-шарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс фақат мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаган ҳолдагина, жавобгар бўлади.

Шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал этишда (неустойка ундириш, зарарларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлиги аниқланганда, талабни қаноатлантиришини рад этиши лозим;

- Қонунга мувофиқ жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишларда иштирок этувчи шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган ёки суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар ўтиши билан у ёки бу процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади.

Шу билан бирга, процессуал ҳаракатларни карантин жорий этилиши муносабати билан амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда, судлар процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда узайтириш ва тиклаш масаласини ҳал этиши зарур, башарти қонун бундай муддатларни узайтириш ёки тиклашга йўл кўйса;

- Судлар шунга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, карантин жорий этилиши ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, уй қамоғида бўлиш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораларининг қонунда белгиланган муддатларини, шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш муддатлари ўтишини тўхтатмайди.

Шу муносабат билан жиноят ишлари бўйича судлар эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш, бекор қилиш, эҳтиёт чоралари муддатларини узайтириш, касаллиги ёхуд ногиронлиги туфайли жазодан озод қилиш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги ишлар ва материалларни ўз вақтида карантин шартларига риоя этган, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш чораларини кўриши лозим.

Саҳифаларни Тошкент туманлараро иқтисодий суди
судьяси Анвар ИБРАГИМОВ тайёрлади.

**«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
ҳуқуқий журнал**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси
Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Акмал МУРОДОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруф ТАЖИБОЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир
Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир
Шерзод ДАМИНОВ

Саҳифаловчи дизайнер
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 16.06.2020 да ружхат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 2400
Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Давр нафаси

6-бет

Судьялик лавозимига қўйиладиган талаблар



Кун мавзуси

10-бет



Масофавий таълим — судьяликка номзодларни тайёрлаш тизимида янги инновацион шакл

Мутахассис мулоҳазаси

13-бет

Тезкор-қидирув фаолиятини суд томонидан назорат қилиш: қонун ва амалиёт



Инсон ва қонун

16-бет



Маънавий зиёни қоплаш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида

Ибрат

19-бет

Асл ҳикмат



Менинг фикрим

20-бет



Адвокатнинг процессуал мақоми бугуннинг талабига мосми?

Қонун ва амалиёт

22-бет

Далилларни талаб қилиб олишнинг процессуал воситалари



Тадқиқот, таҳлил 23-бет

Жиноятда иштирокчилик: миллий ва халқаро тажриба



Давр талаби 42-бет

Қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш механизмларини такомиллаштириш



Тараққиёт одимлари 26-бет

Интеллектуал мулк соҳасида бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари



Муҳим мавзу 44-бет

Коррупция – тараққиётга таҳдид



Моҳият 30-бет

"Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё"



Мушоҳада 46-бет

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги ўртасидаги мувозанат



Эксперт фикри 32-бет

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолияти: ҳуқуқий асос, муаммо ва ечим



Исследование 49-бет

Правовое регулирование инвестиционной деятельности



Фуқаролик жамияти 34-бет

Бош мақсад — ҳақиқат ва адолат қарор топишига кўмаклашиш




Сравнительный анализ 52-бет

Дисциплинарная ответственность судей: сравнительный анализ законодательства Республики Беларусь и Республики Узбекистан



Мозийдан садо 36-бет

Қозилик судлари: тарихдан сабоқлар



Правовое отношение 54-бет

Отдельные аспекты правового обеспечения, регулирования и защиты административно-правовых отношений



Жараён 40-бет

Карантин қоидалари ва қонуний чоралар




International experience 58-бет

Foreign experience in organizing work in the field of preventing the consequences of road accidents, assigning fines and calculating losses



Let's go learn our rights 61-бет

The rights of the defendant to present a counterclaim and its special features in the economic process





Шерзод АБДУҚОДИРОВ,
Судьялар олий кенгаши аъзоси, юридик фанлар доктори

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда кечаги кун билан яшаб бўлмайди. Янги давр талабидан келиб чиққан ҳолда “оқни оққа ва қорани қора”га ажратадиган, айбсиз инсонга оқлов ҳукми чиқара оладиган, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши мурасасизлик билан курашадиган профессионал ва етук судьялик корпусини шакллантиришга янгича ёндашув ва янги талаблар қўйилмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида судьялик корпусини шакллантириш бора-сида мутлақо янги тизим шакллантирилди.

Судьяликка номзодларни танлаш, тайинлаш “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонун билан тасдиқланган “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Амалдаги тартибга кўра судьялар корпусини шакллантириш судьялик лавозимларига номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари тенглиги асосида амалга оширилади ва қуйидаги 3 босқич билан белгиланади:

- 1) судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш;
- 2) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш;
- 3) номзодни судьяликка тайинлаш.

Судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига кириш учун қуйидаги талаблар белгиланган:

- ҳужжат топшираётган вақтда шахс ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган бўлиши;

- олий юридик маълумотга эга бўлган;
- юридик ихтисослиги бўйича камидан беш йиллик иш стажига эга бўлган;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига киритилиш истагини билдирган шахс тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан Судьялар олий кенгашига бевосита ёки судьяларнинг тегишли малака ҳайъати орқали мурожаат қилиши мумкин.

Ариза берган шахснинг қонунда назарда тутилган мезонларга муносиблиги (бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилиқ, етарли ҳаётий тажрибага эгаллик, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонларнинг мавжуд эмаслиги кабилар) ўрганилади ва Судьялар олий кенгаши (кейинчалик матнда Кенгаш деб юритилади) томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган имтиҳондан муваффақиятли ўтган шахслар Кенгашининг қарори билан судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига киритилади.

Қуйидаги шахслар судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилмайди:

- муқаддам судланганлар;
- одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлганлар;
- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

- ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун ваколатлари олдинги иш жойи бўйича белгиланган тартибда тугатилганлар;
- судьялик лавозимига муносиб эмаслиги туфайли захирага киритишни рад этиш ҳақида Кенгаш хулосаси қабул қилинганидан кейин бир йил ўтгунига қадар захирага киритиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш

Амалдаги қонунчиликда судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида (бундан буён матнда Олий мактаб деб бериллади) мажбурий тартибда ўқиши шарт эканлиги белгиланган.

Захирага олинган номзод Олий мактабда белгиланган имтихондан ўтказилгандан сўнг, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқитилади.

Олий мактаб магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари белгиланган тартибда қабул қилинади.

Ўқиш даврида судьялик лавозимларига номзодларга судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллаш-ни ривожлантириш, илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган дастур асосида таълим бериллади.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахсларга бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича давлат намунасидаги диплом бериллади.

Судьялик лавозимларига фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланиши мумкин бўлади.



Судьяларнинг малака ҳайъатлари биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодларнинг тайёргарлигини доимий асосда мониторинг қилиб боради, уларнинг малакасини оширишга қаратилган семинарлар ва бошқа тадбирлар ташкил этади.

Судьялар олий кенгаши захирасида турган номзод куйидаги ҳолларда захирадан чиқарилиши мумкин:

- захирадан чиқариш тўғрисида ўзи ариза берганда;
- унинг ўқиш натижалари қониқарсиз баҳоланганда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;
- унда одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда;
- белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;
- вафот этганда ёки у суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда;
- жиноят ёки ўзининг шаъни ва қадр-қимматига дов туширувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этганда;
- унинг судьялик лавозимига номуносиблиги ҳақида хулоса чиқарилганда.

Номзодни судьяликка тайинлаш

Қонунга кўра судьяликка номзодларга куйидаги талаблар қўйилади:

- ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслик;
- олий юридик маълумотга эга бўлиш;

- *юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиш;*

- *Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш.*

Судьяларнинг малака ҳайъатлари бўшаб қолган судьялик лавозимлари тўғрисида биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахсларни Судьялар олий кенгашининг топшириғига кўра ҳабдор қилиб боради.

Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимида биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга оширилади.

Захирага киритилган судьялик лавозимида номзод Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита ёки судьяларнинг малака ҳайъатлари орқали Судьялар олий кенгашига ариза беради ва танловдан ўтказилади.

Танловда номзоднинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий масалалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, махсус фанлардан назарий ва амалий билимлари, суд-процессуал ҳужжатларини расмийлаштириш тўғрисидаги маълумотлардан бохабарлиги, номзоднинг руҳияти, ўзига бўлган ишончи ва қарор қабул қилишда қатъиятлилиги текширилади ва натижалари бўйича номзод Кенгаш муҳокамасига тавсия этилади.

Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усулларида – оғзаки суҳбат, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, экспресс сўровлардан фойдаланган ҳолда танловдан ўтказилади.

Шундан сўнг, Судьялар олий кенгаши номзоднинг кўрсатилган судьялик лавозимида муносиб ёки муносиб эмаслиги ҳақида ёхуд номзоднинг такрорий танловда иштирок этиши учун рухсат бериш ҳуқуқини қолдириш тўғрисида хулоса қабул қилади. Агар, номзоднинг кўрсатилган судьялик лавозимида муносиблиги тўғрисида хулоса бўлган тақдирда, судьялик лавозимида тайинлаш ҳақида тегишли қарор қабул қилади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Ўзбекистонда суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган, лекин айрим низоларни кўриб ҳал қиладиган нодавлат органлари, жумладан ҳакамлик суди ва медиация институтлари мавжуд.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг холис ҳал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳакамлик судьяси этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин. Профессional асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессional медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга оширилиши мумкин. Непрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга оширилиши мумкин. Непрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини амалга оширувчи шахс ҳам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтиши мумкин.



Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида судьялар 2 хил йўл билан судьялик лавозимини эгаллайди:

- 1) сайланиш;
- 2) тайинланиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан қуйдагилар сайланади:

- *Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси;*
- *Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис ўринбосарлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қуйдагилар лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади:

- *вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, раис ўринбосарлари;*
- *Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси.*

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйдагилар сайланади:

- *Қорақалпоғистон Республикаси судларининг раислари, раис ўринбосарлари.*

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйдагилар тайинланади:

- *Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари;*
- *туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари;*
- *туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялари.*

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан қуйдагилар лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади:

- *ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари;*
- *туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари;*
- *туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьялари.*

Ўзбекистон Республикасида судьялар қуйдаги муддатга тайинланади ёки сайланади:



- *биринчи марта беш йиллик муддатга;*
- *навбатдаги ўн йиллик муддатга;*
- *судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига.*

Ўзбекистонда судьялик лавозимида бўлишнинг ёши 35 ёшдан бошланиб, энг юқори судьялик лавозимида бўлиш ёши қуйдагича белгиланган:

- *Ўзбекистон Республикаси Олий судида 70 ёшгача (Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялик лавозимида бўлишнинг ёши яна 5 йилгача узайтирилиши мумкин - 75 ёш);*
- *бошқа судларда 65 ёшгача (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимида бўлишнинг ёши яна 5 йилгача узайтирилиши мумкин - 70 ёш).*

Хулоса қилиб айтганда, республика-мизда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизими такомиллаштирилиб келинмоқда.



**Сурайё
РАХМОНОВА,**
Судьялар олий
мактаби
Жиноят ҳуқуқи
кафедраси
муdiri, юридик
фанлар доктори

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ШАКЛ

Жаҳоннинг глобллашуви ва халқаро ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг шиддат билан интеграциялашуви барча йўналишларда янги, инновацион шаклларни татбиқ этиш заруратини тақоза этади. Шу нуқтаи назардан, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида масофавий таълимнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

1969 йил Буюк Британияда дунёда биринчи масофавий университет – “Буюк Британия очик университети” ташкил этилган. Таълимнинг ушбу услуги сўнгги йилларда ўзининг анъанавий таълим тизимидан қатор афзалликлари ҳисобига замонавий таълимнинг ажралмас қисмига айланди.

Жумладан, масофавий таълим харажатларни камайтириши (бино, транспорт), вақтни тежаши (йўл ва дарсга йиғилиш вақти), талабага машғулот вақти, жойи ва давомийлигини режалаштириш имконини бериши, аудиториянинг чекланмаганлиги, электрон кутубхона ва информацион технологиялардан фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш имкони мавжудлиги, талабаларнинг соғлиғи ҳолати ва имкониятидан қатъи назар ягона таълим муҳитини яратиши билан таълимни янги илғор босқичга олиб чиқди.

Аста-секин дунёда масофавий таълимга ихтисослашган университетлар: University of South Africa (ЖАР), Fern Univaersität in Hagen (Германия), Миллий технология университети (АҚШ) очилиши ва интернет пайдо бўлиши масофавий таълимнинг (E-learning) янгидан-янги шакллари пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Айни 2020 йилнинг бугунги пандемия шароитида дунё бўйлаб қарийб 1,5 млрд. мактаб ўқувчилари масофавий таълимдан фойдаланаётганлиги ҳам инсоният тараққиётидаги турли фавқулодда ҳодисалар ва зудлик билан ўзгариб бораётган тарихий воқеликда масофавий таълимнинг аҳамиятини яққол кўрсатади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим ти-

зимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Барча соҳалар каби замонавий таълим технологиялари дунё миқёсида судьялик лавозимларини эгаллаш учун номзодларга таълим бериш ва судьяларни малакасини ошириш тизимида ҳам жорий қилинмоқда. Сабаби, судьялардан жамиятда юксак ва масъулиятли касб мақомини эгаллаш билан биргаликда замонавий услуб ва ёндашувлар асосида ўз касбий билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориши талаб этилади. Судьяларга таълим бериш бўйича жаҳоннинг етакчи муассасалари: Европа судьялар таълим маркази (The European Judicial Training Network), АҚШ Федерал суд марказида (Federal Judicial Center) масофавий таълимни қўллаш самараси амалда исботланган.

Таълимнинг мазкур инновацион шаклидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ўқув жараёнида ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Жумладан, айни дамда коронавирус пандемияси билан боғлиқ карантин даврида Судьялар олий мактаби магистратураси жиноят ишлари бўйича ихтисослиги тингловчилари учун ўқув машғулотлари тўлиқ масофавий таълим тизимида ташкил этил-



моқда. Бу албатта ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Амалиётда судья моддий ва процессуал қонун нормаларини мустақил равишда тўғри қўллаш олиш салоҳиятига эга бўлиши зарурлигидан келиб чиқиб, масофавий таълим жараёнида тингловчиларнинг зарур билим, кўникма ва малакасини ошириш, жиноят ишларини суд муҳокамасида кўриш бўйича илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга ижобий самара бериши синовдан ўтказилди. Масалан, “Жиноят процессуал ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатлари” фанидан тингловчилар “case-study” таълим технологиясини қўллаш жараёнида жиноят ишларини судда кўриш суд амалиётида реал муаммоли вазиятларни қонуний ва асосли ҳал қилиш, ишнинг ҳолатига қараб фикрлаш кўникмаларини такомиллаштириб, тарафларнинг важларини процессуал қонун нормалари асосида муҳокама қилишни ўргандилар. Бу эса, келгусида бўлажак судьяларда процессуал қонунчиликни қўллашда ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга амалиётдаги низони танқидий таҳлил қилиш, мақбул қонуний ечимни излаш ва оқилона қарор қабул қилиш салоҳиятини шакллантиради.

“Жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” фани бўйича ўқув машғулотида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси, юридик фанлар номзоди, доцент Э.Турғунбоев томонидан ўтказилиши ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан айна дамда реал режимда боғлиқлигини таъминлади ва суд амалиётида биринчи инстанция судларида жиноятларни квалификация қилишнинг долзарб муаммоларини ёритишга хизмат қилди. Натижада, тингловчилар жиноий қилмишларни квалификация қилишнинг қонундаги тартиби юзасидан изчил назарий билим олиш билан бирга, амалиётда

жиноятларни квалификация қилиш ва ҳуқуқий нормаларни қўллаш босқичларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, манتيқий ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантирдилар.

Айниқса, “case-study” машғулотида мунозаларга бой бўлиб, ўз фикр ва хулосаларини асослаш, ҳимоя қилиш ҳамда уларни оғзаки ва ёзма шаклда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди. Масофавий таълим жараёнида бу тарзда ўқув жараёни ташкил этилишининг устун жиҳатлари шундаки, тингловчилар ZOOM, Telegram ва мулоқотнинг бошқа замонавий интернет ресурслари таклиф этаётган ягона платформаларда ўртага қўйилган масала ва муаммоларни таҳлил этиш, бу жараёнда барчанинг ўз фикрини тенг баён қилиш имконияти, ўз позициясини ёзма равишда, электрон ҳужжатлар орқали ёки аудио ва видеобаёнот шаклида асослаш дарснинг самарасини бир неча баробарга ортишига хизмат қилмоқда. Муҳими, масофавий дарс жараёнида кўриш, эшитиш, ёзиш, таҳлил қилиш бир вақтнинг ўзида олиб борилиши материалнинг ўзлаштирилишида амалий натижа бермоқда. Шу билан бирга, барча муҳокамалар давомида ёки ундан сўнг таҳлил қилинаётган кейс ёки муаммо юзасидан ҳар бир тингловчи “feed back” тарзидаги мустақил индивидуал эсселар тайёрлаб, ўз позициясини ёзма равишда баён қилиш ва ҳимоя қилиш кўникмаларини ривожлантирмоқда.

Дарс жараёни давомида тингловчиларга қатор топшириқ ҳамда вазифаларнинг аниқ бир вақт мобайнида берилиши ва унинг тез, оқилона бажарилиши эса кунни тўғри ташкил қилиш, вақтни самарали бошқариш, яъни, “time management skills” кўникмаларини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, дарс кунининг бошланишида давлатимизда янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари ёки жамоатчилик муҳокамасида бўлган қонун лойиҳалари тингловчилар ўртасида ҳар томонлама таҳлил қилинмоқда. Бу жараёнда ҳам тингловчилар билан биргаликда амалдаги қонун ва таклиф этилаётган янги тартиб-таомилнинг ўзаро тафовути, янгиликнинг зарурати, мазмуни ва низоли жиҳатлари танқидий муҳокама қилинмоқда. Бу бўлажак судьяларнинг келгусидаги қонунни қўллаш амалиёти учун муҳим ўрин тутди. Хусусан, бугунги кунда тингловчилар regulation.gov.uz сайтида эълон қилинаётган қатор қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасида фаол иштирок этмоқда. (<https://regulation.gov.uz/uz/document/16758>).

Тингловчиларнинг масофавий стажировкаси жараёни “Судьялар олий мактаби

магистратура курси тингловчиларининг карантин даврида масофавий стажировка ўташлари тўғрисида вақтинчалик Низом” асосида ташкил этилмоқда.

Стажировканинг асосий мақсади – таълимнинг фан ва амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштиришдан иборат. Стажировка касбга самарали мослашувни таъминлашга қаратилганлигини ҳисобга олиб, тажрибали судьялар, Судьялар олий мактабининг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази мутахассислари жалб этилган. Айниқса, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси Р. Тошбоев, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди судьяси Ф. Исмоилова, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди раиси М. Ибрагимов, девонхона мудири Т.Усмоновлар томонидан ўтказилган машғулотларда ўқув дастури билан қамраб олинмаган амалий муаммоларни ўрганиш, жумладан судьялик касбига масъулият ва виждонан ёндашиш ҳамда тингловчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Стажировка жараёнида тингловчилар Олий суд Раёсатининг 2017 йил 29 июндаги РС-16-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида иш юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома” асосида судда иш юритиш, суд ҳужжатларини тўғри тайёрлаш, тузиш, расмийлаштириш ишлари ва хат-хабарларни тўғри қайд этиш, ҳисобга олиш, суд қарорларини ўз вақтида ижрога қаратиш, ишларни ва бошқа ҳужжатларни “Е-XSUD” электрон маълумотлар базасида қайд этиш тартибини ўргандилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлатимиз ва халқимиз учун бугун кечаётган синовли дамларда таълим жараёнини сустраслаштирмай, аксинча, масофавий таълимнинг энг самарали имкониятларидан, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ташкил этиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Судьялар олий мактабида йўлга қўйилган масофавий таълим ва стажировка жараёни, нафақат магистратура тингловчилари, балки судьяларнинг билим ва касбий кўникмаларни шакллантиришга, судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш катта тажриба ва янги шаклдаги ўқув-методик базани тайёрлаш имконини берди.

АДОЛАТ ҚУДРАТИ...

Энг қудратли ҳукмдорлардан бири, халифа Ал-Мансур машҳур қози Сувар ибн Абдуллоҳга шундай хат ёзган эди: “Савдогар ва ҳарбий қўмондон ўртасидаги ер ҳақидаги баҳсни кўриб чиқинг ва уни ҳарбий қўмондонга беринг”.

Бунга қози Сувар қўйидаги жавобни беради: “Менинг назаримда, бу ер савдогарга берилиши керак ва токи нима учун шундай қилиш кераклиги ҳақида далилларни кўрмагушимча, уни ҳеч кимга бермайман”. Ҳукмдор Мансур эса шундай деб туриб олди: “Аллоҳ номи билан қасам ичаман-ки, уни ҳарбий қўмондонга берасан”. Аммо, Сувар бунга қўйидаги жавобни беради: “Мен эса Аллоҳ номи билан қасам ичаман-ки, уни савдогардан олиб қўймайман, агар фақат адолат юзасидан шундай бўлса”. Мактуб Мансурга топширилганида, у шундай деди: “Бу ерларда адолат шунчалик кўп-ки, ўз қозиларим мени адолатга қайтаришади”.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ СУД ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ: ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ



Дилшод АРИПОВ,
юридик фанлар
номзоди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари бировнинг турар жойига кириш, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечирish, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиш мумкин эмаслиги, 19-моддасида эса фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган.

Бирок, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига кўра бугунги кунда ёзишмалар, телефон орқали ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган хабарларни эшитиш, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш прокурор санкцияси асосида амалга оширилади¹.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида фуқароларнинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг суд қарорисиз чекланиши Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг лозим даражада таъминланмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи ҳаракатларни суднинг қарорига асосан амалга оширишни, шунингдек бундай ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирлар устидан суд назорати ўрнатишни тақозо қилади.

Конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари устидан суд назоратини ўрнатишнинг аҳамияти шундаки, мазкур тадбирлар кўп ҳолларда пинҳона шаклда ўтказилади ва фуқароларда мазкур тадбирларнинг қонунийлиги ва асослилигини баҳолаш имконияти бўлмайди.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратнинг икки тури, яъни идоравий ва прокурор назорати кўзда тутилган.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар раҳбарлари тезкор-қидирув

фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши устидан идоравий назоратни таъминласа, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурори назоратини амалга оширади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига кўра тезкор-қидирув фаолияти конспирация принципига асосан алоҳида тартибда амалга оширилиши сабабли, суд назоратини амалга ошириш ҳам ушбу принципга асосланиши зарур.

Бундан ташқари, тезкор-қидирув фаолияти нафақат қонунлар, кўплаб қонуности ҳужжатлари, буйруқлар, йўриқномалар билан ҳам тартибга солинади ва махфийлик касб этади. Айнан мазкур ҳолатлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлигини таъминлашга қаратилган холис механизмни яратишни талаб этади. Сабаби, конспирация принципи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга оид ҳужжатлар билан фақат чекланган доирадаги шахслар танишиб чиқиши мумкинлигини назарда тутаяди, бу эса ушбу фаолият устидан тегишли назорат олиб бориш имконини чеклайди.

Ноқонуний тезкор-тадбирларни ўтказиш натижасида фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда ҳам, уларни тиклашнинг деярли имконсизлиги мазкур йўналишда суд назорати ўрнатилиши зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Аксарият ҳолларда тезкор-қидирув фаолияти жиноят иши кўзғатиш босқичидан ҳам аввал бошланишини эътиборга олсак, суд тезкор-қидирув тадбирларининг қонунда белгиланган мақсадларга қай даражада мувофиқлигига баҳо бериб, конституциявий ҳуқуқларни асоссиз чеклашнинг олдини олишни таъминлаши мумкин.

Украина ЖПКнинг 248-моддаси, Эстония ЖПКнинг 89-моддаси, Молдова ЖПКнинг 41-моддаси, Грузия ЖПКнинг 143³-моддасида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш масаласи суд томонидан ҳал қилиниши белгиланган.

Конституциявий ҳуқуқларни чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш масаласи ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур тадбир ўтказилаётган ёки тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақида илтимоснома киритилган жойдаги судлар томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарори прокурор розилик бергандан сўнг суд томонидан суд муҳокамаси ўтказмасдан судья томонидан кўриб чиқилиши зарур.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари мавжуд бўлганда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома кўзғатилади, судья конституциявий ҳуқуқларни чеклаш қону-

нийлиги ва асослилигини текширади, бироқ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилмайди. Яъни, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи тезкор тадбирларни ўтказиш ҳақидаги қарорни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда қабул қилади, суд эса мазкур қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини текширади.

Бинобарин, тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назорати суднинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи қарорлари ва ҳаракатларини қонунийлиги ва асослилиги масаласини ҳал қилишга қаратилган фаолиятидир.

Тезкор тадбирни ўтказиш учун асос бўлган фактик маълумотлар асосида айнан қандай тадбирни ўтказиш ҳақида қарор тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан қабул қилинади ва илтимосномада мазкур тадбирни ўтказиш зарурияти ва мақсадга мувофиқлиги асослаб берилади. Суд назоратининг у ёки бу шаклини амалга ошириш ташаббуси суддан эмас, манфаатдор субъектлардан чиқади, мазкур ташаббусдан ташқарида бундай назорат имконсиздир².

Судья тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги материални кўриб чиқишни рад қилишга ҳақли эмас, бироқ тезкор-қидирув тадбирларига зарурат йўқлиги, ноқонунийлиги ва асоссизлиги ҳақида хулосага келса, илтимосномани рад қилиши зарур.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлигини асослантириш мажбурияти илтимоснома кўзғатган тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ва прокурорга юклатилиши зарур.

Фактик маълумотларнинг етарли эканлиги судья томонидан ички ишончига кўра баҳоланади. Судья қўшимча материалларни тақдим қилишни талаб қилиши мумкин. Бироқ, қўшимча материалларни тақдим қилмаслик суд томонидан илтимосномани рад қилиш эҳтимолини оширади³.

Қайд этиш лозимки, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан қаноатлантирилиши, тадбир қаратилган шахсни унга нисбатан конституциявий ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилаётганлигини билган тақдирда, ўзининг ҳуқуқларини химоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Грузия ЖПК-



нинг 143³-моддасига кўра, шахсга унга нисбатан яширин тергов ҳаракатлари ўтказилаётгани маълум бўлиб қолса, у шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақида тушунтириш олгандан сўнг қирқ саккиз соат ичида суд ажримига нисбатан шикоят бериши мумкин. Апелляция суди томонидан шикоят қилинган ажрим бекор қилинган ҳолларда тезкор-қидирув тадбири натижасида олинган далил номақбул деб топилади.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига асосан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда мазкур органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар тўғрисидаги, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тактикаси ҳақидаги маълумотлар давлат сирини ташкил этади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг қарори асосида ошкор этилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши белгиланган бўлса-да, давлат сирлари ошкор этилиши олдини олиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларига рухсат бериш масаласи ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, манфаатдор шахсларнинг суд мажлисида қатнашмаслиги судни тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишга етарли асослар мавжудлигини текшириш мажбуриятидан озод қилмайди.

Тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назорати бир қатор хусусиятларга эга. “Бу суд муҳокамаси эмас, ҳаттоки суд мажлисига тайёргарлик ҳаракатлари ҳам эмас. Ушбу ҳуқуқий муносабатларда жиноят процесси учун хос бўлган тарафлар ҳали мавжуд эмас. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун суд рухсатини олиш жараёнида текширилаётган шахс жиноят процесси иштирокчиси эмас ва бу ҳақда билмаслиги зарур. Мазкур процессда очиқлик, ошкоралик ва тортишув бўлиши мумкин эмас...”⁴.

Судья тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга рухсат бериш тўғрисида илтимосномани кўриб чиқиш натижаларига кўра ажрим чиқариб, унда илтимосномани қаноатлантириш ёки рад қилиш масаласини ҳал қилиши лозим.

Тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақида илтимоснома фактик маълумотлар



билан асослангилмаган ва тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари доирасидан ташқарига чиққан ҳолда илтимоснома рад этилиши зарур.

Ажримда тезкор-қидирув тадбирига рухсат олиш учун қандай асословчи материаллар тақдим қилинганлиги, тадбир ўтказилиши учун қонуний асослар мавжудлиги, айнан қандай тадбир ўтказишга рухсат берилганлиги ва ўтказиш муддати кўрсатилиши зарур.

Ажримда давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, иш юритиш давлат сири ҳисобланган ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларининг алоҳида тартиби белгиланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолияти устидан суд назорати институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги ҳақидаги конституциявий принципни амалда қафолатлаш ва суднинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича функциясини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сонли Қонуни
2. Ковтун Н. Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России: монография. — Н. Новгород: Нижегородская правовая академия, 2002. — С. 11
3. Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» / Авт.-сост. А.Ю. Шумилов. 2-е изд., испр. и доп. — М., 2000. — С. 72.
4. Определение Конституционного Суда РФ от 14.07.1998 № 86-О «По делу о проверке конституционности отдельных положений Федерального закона «Об оперативно-розыскной деятельности» по жалобе гражданки и.г. Черновой» // СЗ РФ от 24.08.1998, № 34, ст. 4368.



**Баҳодир
ҲАМРОҚУЛОВ,**
ЖИДУ мустақил
изланувчиси

МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛИ СИФАТИДА

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2019 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Фармон билан Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Ҳозирги кунда истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши оқибатида истеъмолчига етказилган маънавий зиённи қоплаш масаласини илмий тадқиқ қилиб ўрганиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Маънавий зарар деганда, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда унга етказилган жисмоний оғриқлар, руҳий изтироблар, қийноқлар тушунилади.

С.В.Марченконинг таъкидлашича, маънавий зарарнинг моҳияти шундан иборатки, зарар етказувчининг ҳаракатлари жабрланувчининг онгида ўз аксини топиши, муайян руҳий таъсир этиши керак. Яъни, мулккий йўқотишлар, бирон буюм ёки мулкнинг йўқ қилиниши, бузилиши ва шу кабилар билан ифодаланувчи мулккий зарардан фарқли ўлароқ маънавий зиён фуқаронинг жисмоний ва руҳий хусусиятга эга азобланишидир.

Назаримизда, истеъмолчига етказилган маънавий зиён деганда – унга сифатсиз товар сотилиши, товарда ундан самарали, хавфсиз фойдаланиш шартлари ва қоидаларининг йўқлиги, товарда кўрсатилиши шарт бўлган маълумотлар, яъни товарнинг яроқлилиқ муддати, унга риоя қилмаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ва товарларни хавфсиз утилизация қилиш тартиби ва шартлари ҳақидаги маълумотларни йўқлиги ёхуд истеъмолчига товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот бериш, унинг зарарли жиҳатларини яшириш натижасида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зарар етиши натижасида истеъмолчи бошидан кечирган маънавий (руҳий) азоблар тушунилиши керак.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган фуқаро, башарти у айбдор бўлса ҳақ тўлаши лозимлиги назарда тутилган.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Беларусия Республикаси қонунида ҳам¹ етказилган зарар айб мавжуд бўлса қоплаб берилиши назарда тутилган.

“Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорининг 11-бандида ҳам юқоридаги мазмундаги тушунтириш берилган, бироқ истеъмолчига маънавий зарарни қоплаш билан боғлиқ ишларни кўришда етказилган маънавий зиён ундиришнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан тушунтириш берилмаган. Назаримизда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятлари ва судларда ишни кўриш жараёнида эътиборга олинishi лозим бўлган жиҳатларни инобатга олиб тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Чунки, суд амалиётида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари судлар томонидан турли хил талқин қилиниши, суд ҳужжатларини асослантиришда ва далилларга баҳо беришда ёндашувларнинг ҳар хил эканлиги билан боғлиқ ҳолатларни истисно этиб бўлмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг мазмунидан суд томонидан маънавий зарар жабрла-

нувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти, айб тоvon тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражаси, зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талабларини инобатга олган ҳолда қопланиши назарда тутилган.

Бундан кўринадики, қонунчиликда, маънавий зиённинг энг кам ёки кўп миқдори назарда тутилмаган ва уни ҳал этиш масаласи даъвогар ва суд томонидан белгиланадиган миқдордан келиб чиқади.

Шуни қайд этиш лозимки, суд амалиётида истеъмолчи талаб қилаётган маънавий зиён миқдорини камайтириш ҳолатлари кузатилади. Айрим хорижий давлатларда маънавий зиённинг энг юқори миқдори назарда тутилган. Масалан, Мексика Фуқаролик кодексига асосан маънавий зиён суммаси зарар етказувчидан ундирилган моддий зарар суммасининг учдан бир қисмидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги назарда тутилган². Бироқ, Мексика Фуқаролик кодексига истеъмолчи томонидан моддий зарар ундирилиши назарда тутилмаган ҳолатда, маънавий зиённинг ҳисоблаш тартиби белгиланмаган.

В.В.Богданнинг фикрича, маънавий зиённи суммасини энг кам ёки юқори миқдорини қонунчиликда назарда тутилиши мумкин эмас³. Назаримизда, ҳар бир ишнинг ҳолати индивидуаллиги, низо томонларининг вазлари ва суднинг ҳулосаси ҳам бир хил эмаслигини инобатга олиб, қонунда маънавий зиён суммасини белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланмайди.

Ўз навбатида, Россия, Белорусия ҳамда Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли ўлароқ “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Украина қонунига асосан истеъмолчига товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари натижасида етказилган моддий ва маънавий зиён ундирилиши белгиланган⁴. Яъни, Украина қонунчилигига кўра, истеъмолчининг ҳар қандай бузилган ҳуқуқи (маҳсулотнинг кеч етказиб берилиши, маълумот тўғрисидаги ҳуқуқларининг бузилиши) натижасида етказилган зарар компенсация қилинмайди.

Шу ўринда, товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкый жавобгарлик масаласида ҳам турли давлатлар қонунчилигида турлича ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, миллий қонунчилигимизда истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати мобайнида, бундай муддат белги-



ланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозимлиги белгиланган бўлса, мазкур муддат Молдова қонунчилигида икки йил қилиб белгиланган⁵.

Ушбу масала юзасидан Россия Федерацияси қонунчилигида кенгроқ ёндашилган бўлиб, унда агар ишлаб чиқарувчи товарнинг хизмат (яроқлилик) муддатини кўрсатиши шарт бўлганда, ёки хизмат (яроқлилик) муддати тугаганда маҳсулотнинг истеъмолчи ҳаёти ва соғлигига зарар етказиши мумкинлиги тўғрисидаги истеъмолчинини огоҳлантирмаган тақдирда, ўтган муддатдан қатъи назар етказилган зарар қопланади (14 мода).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига кўра, маънавий зарар пул билан қопланади. Бироқ, айрим хорижий давлатларда маънавий зиён пулсиз кўринишда ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Масалан, Украина Фуқаролик кодексига асосан, маънавий зиён пул, мулк ёки бошқа усул билан қопланиши мумкин⁶.

Маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кимни истеъмолчи сифатида тан олиш масаласи муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу борада турли хил фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, баъзи ҳуқуқшунос олимлар истеъмолчи фақат жисмоний шахс бўла олиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни илгари суришади ва юридик шахсларни истеъмолчи сифатида кўрсатиш ҳақидаги фикрларни инкор қилишади (Саидгазиева Н.)⁷. Европа Иттифоқининг 1973 йилги 25 консультатив сессиясида қабул қилинган “Истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимояси Хартияси”да⁸ истеъмолчи сифатида фуқаролар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам тан олинади.

“Истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, шахсий истеъмол ёки хусусий хўжалиқда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу мақсадда бўлган фуқародир”.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

**Нуриддин ТОЖИБОВ,
Судьялар олий мактаби магистранти**



Оммавий-ҳуқуқий низо деганда маъмурий органнинг қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида қилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан маъмурий орган ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган келишмовчилик,

зиддият ва тўқнашувлар тушунилади. Бундай низоларда фуқаро ва юридик шахс аризачи сифатида, маъмурий орган жавобгар сифатида иштирок этади.

Маъмурий орган тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар маъмурий органлар ҳисобланади. Барча органлар томонидан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш жараёнида фуқаролар ва юридик шахслар билан келиб чиқадиган низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар, айниқса ободонлаштириш ва қурилиш ишлари, эски бино, уй ва йўللарни бузиш, янги қиёфадаги иморатларни бунёд этиш жараёнида, шунингдек аввалгисидан мунтазам фарқ қилувчи солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш, маъмурий органларнинг фаолияти билан боғлиқ янгилинишлар даврида фуқаролар, юридик шахслар ҳамда маъмурий органлар ўртасида низоларнинг кўпайиши табиий ҳол ва бу ҳолат кундан кунга ўз тасдиғини топмоқда.

Маъмурий судларнинг роли давлат бошқаруви органлари, маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан суд йўли билан ҳимоя қилишда, шу йўл билан маъмурий органларнинг иш фаолиятида қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда яққол кўринади. Айни шулар орқали маъмурий органларнинг фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийлик таъминланади, улар томонидан қонун ҳужжатларига номувофиқ ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар амалга оширилишига чек қўйилишига эришилади.

Фикримизча, истеъmolчи фақат фуқаро, жисмоний шахс бўлиши мумкин, юридик шахслар эса истеъmolчи сифатида субъект бўла олмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, ходимга меҳнат вазифаларини бажариб турган вақтида иш берувчига тегишли (ходим ўз меҳнат вазифасини бажариш учун топширилган) асбоб-ускуналардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар учун Фуқаролик кодекси 1017-1019-моддалари ва “Истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни нормалари қўлланилмайди. Бу фикрлар О.В. Леонтьев ҳамда А.С.Долбиллар томонидан илгари сурилган. А.С.Долбилларнинг фикрича, истеъmolчи сифатида нафақат товар сотиб олаётган, иш, хизматга буюртма бераётган фуқаро, балки бевосита ушбу товар, иш, хизматдан фойдаланувчи фуқаролар ҳам тан олинади. Яъни, фуқарони истеъmolчи деб тан олиш учун асосийси, фуқаро ушбу товарни шахсий манфаатида фойдаланган бўлиши лозим⁹.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, истеъmolчининг товар (ишлар, хизматлар) сифати бўйича асосланган талаблари қондирилмаган тақдирда унга маънавий зиён етказилиши мумкин. Ушбу ҳолатда истеъmolчи ижтимоий хусусиятга эга ноқулайликларга тўқнаш келади – ўз даъволарини баён этиш мақсадида сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан учрашиши, унга хизмат кўрсатилишини кутади, ўзининг мулкий даъволарини тақдим этиш учун навбатда туришга вақт сарфлайди. Ушбу ноқулайликларнинг барчаси тўғридан-тўғри маънавий зиён етказилишига олиб келади.

Истеъmolчиларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчилик нормаларини бир хил тушунилиши ва ижро этилишини таъминлаш орқали аҳолининг роҳишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О защите прав потребителей: Закон Респ. Беларусь, 9 янв. 2002 г. № 90-З : в ред. Закона Респ. Беларусь от 29.10.2015 // Консультант Плюс: Беларусь. Технология 3000 [Электронный ресурс] / ООО «Юр-Спектр», Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2016.
2. Халин Р. В. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный недостатками товаров, работ и услуг по праву России, Англии и США: дис. ...канд. юр. наук: 12.00.03 / Р. В. Халин. – Белгород, 2015. – 223 с
3. Богдан В. В. Компенсация морального вреда как способ защиты прав потребителей: проблема эффективности / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://cyberleninka.ru>.
4. Закон Украины “О защите прав потребителей” (Ведомости Верховного Совета УССР (ВВР), 1991, № 30, ст.379) <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1023-12>
5. Закон Республики Молдова “О защите прав потребителей” п.4 ст.17(12): <http://www.amac.md/Biblioteca/data/29/01/09.2.pdf>
6. Интернет-адрес: <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/82-gku/404-glava03.html>.
7. Саидгазиева Н. “Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъmolчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация Автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2003. – 11 б.
9. www.rambler.ru/law/library/dokuments.
10. Долбил А.С. Защита прав потребителей. – М.: изд. Маркетинг. 1997. – 26 с.

Асл ҳикмат

Имом Шофеъий шундай деганлар: “Мен кўп китоб ўқидим, кўп суҳбатларда қатнашдим, яна кўплаб ҳикмат аҳлини тингладим ва охири шундай хулосага келдимки, асл ҳикматнинг учта ҳақиқати бор экан:

биринчиси, вақт қиличдир, сен уни кесмасанг, у сени кесади.

Мазкур қимматли тавсияни бундай изоҳласак тўғри бўлади: Аллоҳ таоло вақтни бандаларига неъмат қилиб берган, киши уни Аллоҳ йўлида, Унга ибодат ва итоат қилишга сарфламаса, улуг Қунда қилдан ингичка, қиличдан кескир бўлган сирот ундай кимсани кесади ва дўзах чуқурига отади. Чунки Аллоҳнинг шундай дўстлари борки, у Қуни сиротдан ўтганларидан кейин “Биз дунёда Расулulloҳнинг ҳадисларида қилдан нозик, қиличдан ўткир бир кўприкдан ўтишимиз ҳақида ўқир эдик. Нега ундан ўтмадик?” деб сўраганларида, уларга айтилади: “Сизларга хушхабар! Ўша кўприкдан ўтдингиз. Амалларингиз билан қилдан нозик, қиличдан ўткир ўша кўприк сиз учун мағриб билан машириқчалик кенгайди”. Шундай экан, биз бу дунёда улуг неъмат бўлмиш вақтдан Аллоҳнинг йўлида фойдалана олмасак, у қилдан ингичка қилич бўлиб бизни кесиб юборади.

Иккинчиси, сен ҳақ билан машгул бўлмасанг, ботил сени машгул қилади.

Илм мажлисларида, уламолар суҳбатида ёки бошқа савобли ишлар билан шуғулланмасанг, илму ирфон, ҳикмат, зикр ва Қуръон билан машгул бўлмасанг, ботил сени банд қилади, ҳақ йўлдан тўсади.

Учинчиси, асло ичингда манманлик ҳисси уйғонишига йўл қўйма.

Улуг мақомда бўлсанг, билгинки, у мақомни сенга берган Аллоҳдир. Чуқур билимдон бўлсанг, илми берган Аллоҳдир. Бой бўлсанг давлатингга қувонма, уни ҳам берган Аллоҳдир. Ҳар ким нимага эришган бўлса, барчаси Аллоҳнинг лутф - эҳсонидир.

Вақт ҳаёт, умрдир. Шунинг учун ҳам тасаввуф аҳли “ибнул вақт” (вақтнинг боласи) деб ҳам юритилади.

“Эй Одам боласи, мен янги кунман ва сенинг барча хатти-ҳаракатингга гувоҳман. Чунки, уларни менда қиялсан. Шундай экан, мендан яхши фойдаланиб қол, қадримга ет, зеро, мен Қиёматгача қайтиб келмайман”, дейдиган ҳар бир янги кунга қайси биримиз қулоқ тутдик? Йўқса, барча томонимиздан қоплаб олган гафлат туфайли фақатгина умримизнинг сўнгги кунининг овозини эшитамизми? Ҳайҳот, унда аллақачон гишт қолипдан кўчган бўлади... Мана шу оппоқ тонг эртага биз учун яна отармикан?..



Валишер ДАВЛАТОВ,
Олий Мажлис ҳузури-
даги Қонунчилик муам-
молари ва парламент
тадқиқотлари инсти-
туту бўлим бошлиғи,
ТДҲУ мустақил
изланувчиси

АДВОКАТНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ БУГУННИНГ ТАЛАБИГА МОСМИ?

***Бугун адвокатларнинг ваколатларини кенгайтириш зару-
рати мавжуд. Хусусан, жиноят процессида адвокатнинг про-
цессуал мақоми замонавий халқаро стандартлар талабла-
рига жавоб беради, деб айтиш қийин. Яъни, айблов ва ҳимоя
тарифининг процессуал ҳуқуқларида номуаносиблик мав-
жуд. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, суд инстанциялариға
қадар адвокатларнинг далилларни тўплаш, шунингдек, тор-
тишув принципини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари
ва ташкилий жиҳатлари аниқ белгиланмаган.***

Ҳимоячининг жиноят ишига тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат органлари ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ваколати Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида белгиланган. Бу жиноят иши бўйича ҳимояни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми сифатида хизмат қилмоқда. Лекин, ушбу ваколатлар жиноят иши бўйича тўлақонли ҳимояни амалга оширишга имкон бермайди. Бу эса ҳимоячига далиллар тўплаш билан боғлиқ қўшимча ваколатлар берилиши лозимлигини тақоза этмоқда.

Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексиде ҳимоячи ўзи иштирок этаётган жиноят ишлари юзасидан воқеа жойини кўздан кечириш ва унинг натижалари бўйича хусусий тартибда баённома расмийлаштириш ҳамда ишга алоқадор ва келажакда далил сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ашё ва буюмларни ихтиёрий равишда олиш билан боғлиқ қўшимча ваколатларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Адвокатнинг бундай ваколатига оид нормалар аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида аллақачон акс этган. Амалий нуқтаи назардан ҳам ушбу тартиб Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган ҳақиқатни аниқлаш принципини амалга оширишга, яъни иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар исботковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва

холисона текшириб чиқилиши кераклигига хизмат қилади.

Масалан, бир далилга терговчи эътибор бермади ёки эътиборга олишни хоҳламади. Шунингдек, ишга доир қўшимча янги бир далил пайдо бўлди, адвокат мана бу далилни олинг деса терговчи ишга алоқаси йўқ, шунинг ўзи етарли, – дейди. Мазкур ҳолатга ўхшаш вазиятларда адвокат қўшимча далилларни ихтиёрий олиб, воқеа жойини кўздан кечириш баённомасини тузиши, керак бўлса терговга, судга тақдим этиши нормал ҳолат. Тергов билан суд уни далиллар сифатида мақбулми ёки номақбулми ўз баҳосини бераверади. Буни чеклаш керак эмас. Бу судгача бўлган босқичларда суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан олиб бориладиган процессуал ҳаракатларда ҳолисликни таъминлашга ёрдам беради.

“Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқи белгиланган. Шунингдек, қонун ҳужжатларида солиқ, нотариал, банк, шифокорлик ва бошқа маълумотларнинг сир сақланиши назарда тутилган. Аммо иш бўйича тараф ҳисобланган прокурор юқорида қайд қилинган қонунларга мувофиқ устунликка эга. Масалан, руҳий касалликлар шифохонаси адвокат сўровига жавоб бермайди, лекин прокурорнинг сўровига жавоб беради. Адвокат ҳам тарафлар манфаатларини ҳимоя қилади, агар

у ваколатини суиистеъмол қилса, адвокатга нисбатан қонуний жазо қўлланилиши шарт. Адвокатга зарур бўлган ваколатни бериб, унинг ижро этилиши юзасидан самарали назорат тизими йўлга қўйилиши керак. Шунда қонунларни ҳаётга татбиқ этиш механизми адолатли бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда адвокатлик сўрови бўйича қуйидаги маълумотлар келтирилган:

1550 адвокатнинг **53,5** фоизи (828 нафари) – белгиланган муддатларда адвокатлик сўровига жавоб бермаслик;

14,3 фоизи (222 нафари) – сўралган ҳужжатларни тақдим этмаслик;

33,5 фоизи (520 нафари) – сўров мазмунига мос бўлмаган, асоссиз жавоб қайтариш;

7 фоизи (109 нафари) – била туриб ёлгон ёки нотўғри жавоб қайтариш ҳолатлари фаолиятларида мавжудлигини қайд этишган.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги қонунчилик нормалари адвокатлик сўровига оид масалаларни тўлиқ ва самарали тартибга солиш имконига эга эмас. Шу боис, адвокатлик сўрови асосида маълумотлар тақдим этилишининг аниқ тартиб-тамоийллари қонунчиликда батафсил акс эттирилиши лозим.

Жиноят кодексининг 236-моддасида жиноят ишини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган. Гарчи адвокат ҳимояни амалга оширар экан, унинг ҳам касб фаолияти кафолатлари кучайтирилиши зарур. Шу сабабли, жиноят процессида адвокатнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилганлик, хусусан адвокатлик сўровига жавоб бермаганлик ёки ёлгон маълумотларни берганлик учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу аксарият ривожланган мамлакатлар қонунчилигида мавжуд.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида адвокатга зарур бўлган масала юзасидан экспертнинг ёзма хулосаларини мутахассисларнинг розилиги билан сўраш ва мутахассис фикрини олиш мум-



кинлиги белгиланган. Адвокатларнинг далилларни тўплаш имконияти ва ваколатини кенгайтириш мақсадида унга ҳимоя остидаги ёки ишонч билдирувчи манфаатидан келиб чиқиб ва унинг розилиги билан айрим тоифадаги ишлар: иқтисодий соҳадаги жиноятлар, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича бухгалтерия, қурилиш, хатшунослик ва бошқалар юзасидан мустақил экспертизалар тайинлаш ҳамда олиш ваколатини бериш таклиф этилади. Бунда адвокат томонидан олинган экспертлик хулосаси иш бўйича мавжуд бошқа далиллар қатори суд томонидан ҳолисона баҳоланиши лозим.

Яна бир муҳим масала. Хабарингиз бор, бугунги кунда янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳаси ишчи гуруҳ томонидан тайёрланмоқда. Тошкент давлат юридик университетида “Жиноят процессида адвокат: янги ёндашувлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда сўзга чиққан ишчи гуруҳ аъзоларининг таъкидлашича, судлар исбот қилиш субъектлари қаторидан чиқарилмоқда. Бу албатта қувонарли ҳол. Чунки, суд ҳолис ва бетараф бўлган ҳолда процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган далилларга баҳо бериши лозим. Эндиликда исбот қилишни фақат суриштирувчи, терговчи ва прокурор амалга ошириши назарда тутилмоқда. Улар қаторига адвокатларнинг киритилмаслиги эса, жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш масаласини шубҳа остига қўйиши мумкин. Хусусан, жиноят ишида тортишув тамойилининг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади. Шундай экан, исбот қилиш иштирокчилари қаторига адвокатларнинг ҳам қўшилиши мақсадга мувофиқдир.

Шаҳбоз САЙИД ёзиб олди.



**Хушнудбек
РАХИМОВ,**
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ДАЛИЛЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорининг 15-бандига кўра, ИПК 69-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар суд мавжуд далиллар етарли эмас деб ҳисобласа, ишнинг объектив ҳолатларини аниқлаш ва низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча далилларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларни қўшимча далиллар тақдим этишга мажбур қилмасдан, фақатгина таклиф этади.

Қўшимча далиллар низонинг тўғри ҳал қилиниши ва у бўйича қонуний ҳамда асослантирилган суд ҳужжати қабул қилиниши учун зарур бўлиши керак. Шу билан бирга, шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 170-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларга суд даъво аризаси юзасидан тақдим этишни таклиф қилган ёзма фикр ёки қўшимча далиллар тақдим этилмаганлиги ишни мавжуд материаллар бўйича кўришга тўсқинлик қилмайди.

Бироқ, Иқтисодий процессуал кодекси иккинчи маротаба далилларни тақдим этилмаганлик натижасида жарима солиниши мумкинлигини назарда тутмайди. Агар шахс жарима солинганидан кейин ҳам далилни тақдим этмаса, далилларни талаб қилиб олишнинг бошқа мажбурулов воситаларини процессуал қонунчилик назарда тутмаган.

Баъзи, давлатларнинг процессуал қонунчилигида суднинг сўровига кўра тақдим қилинмаган далилни олишнинг бошқа имкониятларини ҳам назарда туттади. Масалан, Украина ФПК 93-моддаси 1-бандига кўра, узрсиз сабабларга кўра суд талаб қилаётган ёзма ёки ашёвий далиллар тақдим этилмаса, суд далилларни вақтинчалик олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Шунингдек, Арманистон ФПКнинг 49-моддаси 4-қисмига кўра, суднинг далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажрими давлат, хизмат, тижорат, банк ва бошқа турдаги сирларга таллуқли қонунчилик талабларига риоя қилинган ҳолда дарҳол ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг таҳлили шуни кўрсатадики, далилларни беришдан бош тортаётган шахсдан далилларни олиш масаласи ҳал этилмаган. Процессуал қонунчиликда

назарда тутилган суд талаб қилаётган далилни сақлаётган шахс уни бевосита судга юборади ёки судга топшириш учун тегишли сўровга эга бўлган шахсга беради деган норма декларатив характерга эга.

Жиноят процессуал қонунчилигида одил судловни далиллар билан таъминлашда дастлабки тергов далилларни талаб қилиб олишнинг турли хил воситаларига эга. (Масалан, тинтув, олиб қўйиш)

Иқтисодий процессуал кодекснинг далилларни талаб қилиб олишга қаратилган нормаси эса, амалда суд сўровини тўлиқ ижросини таъминлашга хизмат қила олмайди.

Далилларни тақдим этмаслик учун иқтисодий процессуал қонунчилигида назарда тутилган жарима далилларни тақдим этиш мажбуриятини таъминлашга қаратилган. Бироқ, ушбу нормани далилларни тақдим этиш мажбурияти юклатилган шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган таъсир чораси сифатида баҳолаб бўлмайди. Жарима солинганлигининг ўзи ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмайдиган шахсдаги зарур далилни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида иқтисодий судга илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳимоясини таъминлай олмайди. Баъзи ҳолатларда далилни сақлаётган шахс учун далилни тақдим этишдан кўра жарима тўлаш фойдалироқ бўлиши мумкин.

Лекин, далилни суд олмасдан туриб одил судловни қандай амалга ошириши мумкин?

Далилни талаб қилиб олишни сўраётган шахснинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши фақат шу далилга боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Биринчи инстанция суди томонидан далилларни етарлигига оид нормалар бажарилмаганлиги суд ҳужжатининг бекор бўлишига олиб келади. Чунки, қарор далилларнинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончилиги ва етарлилиги ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодекснинг 66-74-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши керак.

Шунга кўра, Иқтисодий процессуал кодекснинг 69-моддасини амалда қўллаш механизмини ишлаб чиқиш, бу орқали одил судловни таъминлаш воситаларини кучайтиришга эришиш мумкин.



ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Фазлиддин ИШАНХОДЖАЕВ,
Судьялар олий мактаби магистратураси тингловчиси

Жиноятда иштирокчилик институти нафақат мамлакатимиз, балки ҳорижий давлатлар жиноят ҳуқуқининг мунозарали ва мураккаб институтларидан бири ҳисобланади.

Ҳатто узоқ ўтмишда XIX асрда Г.Колоколов: “Иштирокчилик назарияси жиноят ҳақидаги умумий фаннинг тожи сифатида жиноят ҳуқуқининг энг мураккаб бўлими ҳисобланади”, – деб ёзган эди. Бундан бир оз вақт ўтиб, йигирманчи аср бошларида Н.Таганцев: “Жиноятда иштирокчилик ҳақидаги таълимот бетартиб (хаотик) ҳолатда”, – деб тўғри таъкидлаган.

Иштирокчилик мавзусига доир кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бу борада ҳали ҳам турлича қараш ва ёндашувлар сақланиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”да жиноятда иштирокчилик институти уларнинг мезонлари ва хусусиятларини аниқлаштириш орқали такомиллаштириш вазифаси қўйилган.

Мазкур институти такомиллаштириш ҳақида сўз борганда, авваломбор “иштирокчилик” тушунчаси мазмунини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 27-моддасига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади. Иштирокчилик тушунчасига собиқ Совет Иттифоқи давлатлари, Вьетнам ва Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексларида ҳам деярли худди шундай таъриф берилган.

Бу борада Латвия Жиноят кодексининг ўзига хослиги шундаки, унда иштирокчилик билан бир қаторда қатнашувчилик тушунчаси ҳам мавжуд. Хусусан, ушбу Кодекснинг 19, 20-моддаларига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ ҳамбажарувчиларнинг жиноятни бевосита содир этиши қатнашувчилик деб топилса, жиноятни бевосита бажарувчиси бўлмаган ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчиларнинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик ҳисобланади.

Иштирокчилик фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлиши мумкинлиги аксарият мамлакатларнинг қонунчилиги ва доктринаси билан тан олинган. Бу қоида МДҲ давлатларидан ташқари Боливия, Германия, ХХР, Лаос, Латвия, Литва, Эстония, Парагвай ва Перу каби кўпгина давлатларнинг Жиноят кодексларида кўрсатилган.

Бироқ, айрим давлатларнинг қонунчилигида айбнинг нафақат қасд, балки эҳтиётсизлик шакли билан

ҳам иштирокчиликда жиноят содир этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Масалан, Италия Жиноят кодексининг 113-моддасида, эҳтиётсизлик орқасидан жиноятни бир неча шахслар биргаликда содир этиши натижасида оқибат юз берса, уларнинг барчаси шу жиноят учун назарда тутилган жазога тортилиши белгилаб қўйилган. Швеция Жиноят кодексининг 4-моддасига кўра, ҳар бир иштирокчи ўзи содир этган қасд ёки эҳтиётсизлик даражасига мувофиқ жазога ҳукм қилинади. Япония Жиноят кодексининг 60-моддасида айбнинг эҳтиётсизлик шаклида ҳам иштирокчиликнинг мавжуд бўлиши назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ жиноятни биргаликда содир этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаммаси бажарувчилар деб топилади.

Жиноятни иштирокчиликда содир этилган деб топилганда унда қатнашган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг барчаси жиноят субъекти бўлиши керакми ёки йўқми деган саволга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддаси мазмунидан жавоб бериб бўлмайди.

“Номусга тегиш ва жинсий эҳтиётсизликга қарши бўлган фуқароларнинг ҳаётини қўриқиб туришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори 12-бандида, жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда ҳам иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозимлиги белгиланган.

Бироқ, кўпгина олимлар бу қоидага қарши бўлган фикрларини билдириб ўтишган. Масалан, М.Усмоналиевнинг фикрича, агар жиноятда фақат икки киши бажарувчи сифатида қатнашиб, улардан бири ўша жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлса, жиноят иштирокчиликда содир этилган деб топилмайди. Шунингдек, бири бажарувчи, иккинчиси ташкилотчи ёки далолат-



чи, ёхуд ёрдамчи сифатида иштирок этиб, бири жавобгарликка тортиш ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган тақдирда ҳам жиноят иштирокчилиқда содир этилган деб топилмайди¹.

М.Ҳ.Рустамбаевнинг таъкидлашича, бир нечта шахс иштирок этган ижтимоий хавфли қилмиш фақат унда қатнашган камида иккита шахснинг қонунга кўра жиноят субъекти белгиларига эга бўлганидагина жиноятда иштирокчилик деб топилиши мумкин. Шу боис Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган ёки ақли норасо шахслардан фойдаланиб жиноят содир этиш жиноятда иштирокчиликни ташкил этмайди².

С.Мухаммадзонов эса Жиноят кодексига мувофиқ, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда ёки жиноий фаолиятда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади³, деган фикрни билдиради.

Кўриб турганимиздек, юқоридаги барча муаллифлар жиноятда иштирокчилик тушунчасига тўғри таъриф беришган. Бизнингча ҳам, мазкур муаллифларнинг қарашлари тўғри.

Лекин, айрим олимларнинг бунга қарама-қарши бўлган фикрларига кўра, жиноятда қатнашган икки шахсдан бири жиноий жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлган тақдирда ҳам иштирокчилик мавжуд бўлиши мумкин⁴.

Бу каби фикрларга қўшилмаган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, иштирокчилик учун жиноий жавобгарлик, жиноят содир этишда икки ва ундан ортиқ, ақли расо, Жиноят кодексининг 17-моддасида белгиланган ёшга тўлган шахсларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши натижасида вужудга келади. Жиноят содир қилишда қатнашган икки шахснинг бири жавобгарлик ёшига етмаган ёки ақли норасо бўлса, бу жиноят иштирокчилиқда содир қилинган деб топилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Жиноят кодексининг 27-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Икки ёки ундан ортиқ жиноят субъектларининг қасддан жиноят содир этишда қасддан

биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади”.

Таклиф қилинаётган таърифдан келиб чиқиб, иштирокчиликнинг қуйидаги учта белгиларини аниқ ажратиш олиш имкони бўлади:

жиноятни содир этишда камида икки нафар жиноят субъектларининг иштироки;

жиноятни содир этишга нисбатан қасднинг мавжуд бўлиши;

иштирокчиларнинг жиноят содир этиш мақсадида биргалашиб ҳаракат қилиши.

Шунингдек, жиноят ташкилотчисини бошқа турдаги иштирокчилардан ажратиш олишда, ташкилотчи томонидан жиноят таркибининг объектив томонига кирувчи ўзи ташкиллаштирган ҳаракатларни бошқа иштирокчилар билан биргалиқда бажарувчи сифатида содир этишда, ташкилотчининг уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этишига ҳуқуқий баҳо беришда муаммолар мавжуд.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ташкилотчилик фаолиятининг жиноий-ҳуқуқий белгиларини тўлиқ қамраб олган тушунчани ишлаб чиқиш ва қонунчиликка жорий этиш зарурияти юзага келади.

Назаримизда, “жиноят ташкилотчиси” тушунчасини қуйидагича баён қилиш лозим:

“Жиноят содир этиш учун иштирокчиларни бирлаштирган, жиноятни содир этилишини ташкиллаштирган ёки уни бажарилишига раҳбарлик қилган, шунингдек уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёхуд уларга раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади”.

Далолатчиликнинг айрим белгиларини ҳуқуқий баҳолашда ҳам муайян муаммолар мавжуд бўлиб, улар:

далолатчини бошқа иштирокчилардан ажратиб олиш;

ҳақ эвазига жиноят содир этишга буюртма бериш, инсон онгига таъсир қилувчи турли дори воситаларини қўллаш, интернет тармоғидан фойдаланиш;

бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этишга қизиқтиришдан иборат.

Хусусан, Жиноят кодекси 28-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Бироқ, бу таърифда жиноят содир этишга қизиқтириш усуллари ва бошқа турдаги иштирокчилардан ажратиш турувчи белгилари баён қилинмаган. Шу муносабат билан, таҳлил қилинаётган муаммони ҳал қилиш ва далолатчиликнинг ҳуқуқий моҳиятини тўлиқ тушуниш учун унга аниқлик киритиб, Жиноят кодекси 28-моддасининг 4-қисмини қуйидагича баён этиш:

“Жиноят содир этишга кўндириш, ҳақ эвази-га овдириш, таҳдид қилиш, мажбурлаш, алдаш ва бошқа йўллар билан қизиқтирган шахс далолатчи деб топилади”.

Жиноят кодекси 28-моддаси 5-қисмига кўра, жиноят содир этилишига ўз кўрсатмалари билан кўмаклашган шахс ёрдамчи деб топилади.

Бироқ, жиноят содир этишга кўрсатма беришда ифодаланган ёрдамчининг бу белгисини жиноятни ташкиллаштириш деб баҳолаш ҳам мумкин. Шу сабабли, қонун нормаларини бир хилда қўллаш ва жазони индивидуаллаштириш мақсадида жиноятда ёрдамчи тушунчасидан «кўрсатмалари» сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, амалиётда ёрдамчи таърифидаги “олдиндан ваъда бериш” атамасини тушунишда ҳам айрим тушунмовчиликлар мавжуд. Хусусан, баъзи ҳолларда бу атама (“олдиндан”) жиноятнинг объектив томонини ташкил қилувчи ҳаракат бошланишидан олдин, бошқа ҳолларда эса бундай ҳаракатни тамолаш пайтидан олдин деб тушунилади.

Шу муносабат билан, жиноятда ёрдамчи ҳақидаги нормани бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, унга тегишли аниқликлар киритган ҳолда, Жиноят кодекси 28-моддаси 5-қисмини қуйидаги мазмунда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Жиноят содир этишга маслаҳат бериш, жиноят содир этиш учун маълумот, қурол ва воситаларни тақдим қилиш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек иштирокчиларни, жиноят қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида жиноий қилмиш бошланишидан олдин ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади”.

Амалиётда тергов ва суд органлари иштирокчиларнинг икки шакли мураккаб иштирокчилик ва уюшган гуруҳни ўзаро чалкаштириб юбориш ҳоллари,

гарчи назарий жиҳатдан бу икки шакл бир қатор белгилари билан бир-биридан жиддий даражада фарқ қилса-да, учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши» Конвенцияси 2-моддаси “а”, “б” моддаларига кўра:

“уюшган жиноий гуруҳ” деганда, бевосита ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий наф олиш мақсадида уч ёки ундан ортиқ шахсдан иборат, муайян вақт давомида фаолият олиб борган ва бир ёки бир нечта жиддий жиноятларни содир этиш учун келишилган ҳолда ҳаракатланадиган гуруҳ;

“жиддий жиноятлар” деганда тўрт йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ундан оғирроқ жазо чораси назарда тутилган жиноятлар тушунилади”.


Ушбу концептуал қоидаларидан келиб чиқиб, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, иштирокчиларнинг уюшган гуруҳ шаклини тавсифловчи барча белгиларни миллий қонунчиликда батафсил кўрсатиш ва аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун, аввалом бор, “уюшган гуруҳ” атамасини “уюшган жиноий гуруҳ” деб ўзгартириб, унга қуйидагича таъриф бериш лозим:
“Қуйидаги белгилар билан тавсифланган гуруҳ томонидан жиноят содир этилиши уюшган жиноий гуруҳ деб топилади:

уч ёки ундан ортиқ шахсдан ташкил топган; барча иштирокчилар ўртасида жиноят (жиноятлар) содир этиш ҳақида тил бириктириш мавжуд бўлган;

бир ёки бир неча жиноятларни содир этиш мақсадида олдиндан барқарор бирлашган; иштирокчилар ўртасида вазифалар олдиндан тақсимланган”.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, юқорида баён қилинган муаммоларнинг ечими иштирокчилик институтини такомиллашишига хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Усмоналиев М., Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.278.
2. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Дарслик. – Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 372 б.
3. Мухаммаджонов С.С. Жиноий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб муаммолари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 155.
4. Муслимов А.И. Когда преступления совершают два и более лица. – Баку, 2004. – С. 5-6.
5. <https://lex.uz/ru/docs/1304566?twolang=true>

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни кенг татбиқ этиш, интеллектуал мулк объектларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, шу жумладан мазкур соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Шунинг билан бирга, эътироф этиш лозимки, айти пайтда миллий қонунчилигимиз тизимида инновация ва инновацион фаолият тушунчаларининг ҳуқуқий моҳиятини белгилаб берувчи, инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни, унинг иштирокчилари таркибини ва ўзаро муносабатларини, апробация механизмларини самарали ташкил этиш, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш ва саноатда ўзлаштиришга доир масалаларни тартибга солувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 8 февralида “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сонли қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида, хусусан бу борада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўйилган яна бир улкан қадам бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ муқаддам фаолият кўрсатиб келган Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилишга оид фаолияти қониқарсиз деб топилиб, унинг Адлия вазирлиги тизимида ўтказилиши белгилаб берилди. Ушбу жараённинг узвий давоми сифатида эса 2019 йилнинг 1 июлида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4380-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.



Шунингдек, мазкур қарор асосида интеллектуал мулк соҳасида бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш нуқтаи назаридан Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича консултантив ва амалий кўмаклашиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, реализация қилишга қарши курашишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш орқали тегишли чоралар кўриш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеллектуал мулк соҳасини тартибга солишдаги фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш;

аҳоли ўртасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

Қарорда, булардан ташқари: 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетида “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналишини очиш ва унга базавий олий маълумотдан қатъи назар интеллектуал мулк соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш вазифасини юклаш; Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказига эса интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларнинг малакасини, шу жумладан пуллик асосда ошириш бўйича қўшимча вазифа юклаш; шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раис ҳисобланадиган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгашини ташкил этиш каби масалалар ҳам назарда тутилди.

Қайд этилган ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларнинг барчаси ягона мақсадга, яъни интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган



бўлиб, бунинг пировардида эса мамлакатимиз иқтисодиётида интеллектуал мулкнинг салмоғини ошириш кутилади.

Бинобарин, интеллектуал мулк жаҳон давлатлари иқтисодиёти ва тараққиётида катта аҳамиятга эга. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти маълумотларига кўра, интеллектуал мулк ва бошқа номоддий активлар моддий капиталга нисбатан икки баробар кўп қўшимча қийматни ташкил этади.

Масалан, АҚШда интеллектуал мулкдан самарали фойдаланиш мамлакатдаги барча иш ўринларининг 30 фоизи ҳамда 38 фоиздан ортиқ ялпи ички маҳсулотни ташкил этади.

Европа иттифоқининг ялпи ички маҳсулотида эса интеллектуал мулкнинг улуши иттифоқ давлатлари ялпи ички маҳсулотининг 45 фоизини ташкил этмоқда.

Россия Федерациясида бу кўрсаткич 7, Хитойда эса 12,4 фоизни ташкил этади.

Бироқ, таҳлиллар жараёнида аниқланишича, Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасидаги давлат бошқаруви тизимида бундай статистик маълумотлар мавжуд эмас.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида инновацион фаолиятни ривожлантириш жараёнида патент фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эгалигидан келиб чиқиб, қуйидаги рақамларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда 2019 йилда жами 10.142 та талабнома кўриб чиқишга қабул қилинган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 17,7 фоиз (8.617та) га кўпайган.

Ушбу кўрсаткични халқаро миқёсда таққослаб чиқадиغان бўлсак, 2018 йилда Хитой Халқ Республикасида интеллектуал мулк идораси томонидан дунёдаги энг кўп талабнома кўриб чиқилганлиги қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич 1,54 миллионтани ташкил этган. Бу миқдор дунё мамлакатла-

ри бўйича топширилган жами талабномаларнинг 46,4%ни ташкил этади.

Хитойдан кейин АҚШ (597.141 талабнома), Япония (313.567 талабнома), Корея Республикаси (209.992 талабнома) туради.

Шунингдек, биринчи ўнликдан Германия (67.898 талабнома), Ҳиндистон (50.055 талабнома), Россия Федерацияси (37.957 талабнома) ўрин олган.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистонда 2019 йилда ЭҲМ учун дастурлар ва селекция ютуқларига талабномалар топширишда 2018 йилга нисбатан 65,7 ва 54 фоиз ўсиш қайд этилган.

Интеллектуал мулк объектларига миллий талабнома топширувчилар сони 2019 йилда 6.314 тани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 20,4 фоиз (5245) ўсишга эришилган.

Ўз навбатида хорижий талабнома топширувчилар 3.828 тани ташкил этиб, бу 2018 йилга нисбатан 13,5 фоиз (3.372) ўсишни ташкил этган.

2019 йилда жами 8.701 та талабнома бўйича давлат экспертизаси ўтказилиб, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 2,9 фоиз (8.453)га кўпдир.

Агентлик томонидан 2019 йилда 6331 та интеллектуал мулк объектлари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 10 фоизга кўп (5749 та интеллектуал мулк объекти)дир.

Тижоратлаштириш жараёнига бевосита боғлиқ бўлган интеллектуал мулк объектларига доир 2019 йилда 361 (2018 йилда 314) та шартнома рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шундан ҳуқуқларни бошқа шахсларга (тўлиқ ва қисман) ўтказиш шартномалари 159 та (2018 йилда 101) ва лицензия шартномалари эса 202 тани (2018 йилда 213) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни электрон шаклда топшириш тартиби жорий этилган.

Ўтган давр мобайнида 77 та талабнома электрон шаклда қабул қилинган. Ушбу талабномаларнинг 56 фоизи иш вақтидан ташқари вақтда топширилган ва автоматик тарзда қабул қилинган.

Тадбиркорлик субъектлари, олимлар ва ихтирочилар учун интеллектуал мулк объектларига топширилган талабномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг ҳар бир босқичини ва муддатларини масофадан кузатиб бориш имконияти яратилган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти интеллектуал мулк бўйича стратегияларнинг барча мамлакатларда, айниқса иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларда, жорий этилишини кўллаб-қувватлайди.

МДҲ давлатларидан Молдова, Беларусь Республикаси, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистонда стратегиялар ишлаб чиқилганлиги алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон Республикасида эса ҳали интеллектуал мулкни ривожлантириш миллий стратегияси ишлаб чиқилмаган.

Интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро индекслар таҳлил қилинганида, бугунги кунда, интеллектуал мулкни баҳоловчи қуйидаги учта муҳим халқаро индекс мавжудлиги аниқланди: Интеллектуал мулк халқаро индекси; Глобал инновацион индекси; Глобал рақобатбардошлик индекси.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида катта даромад келтирувчи соҳа ҳисобланади.

Маълумот учун: биргина, муаллифлик ҳуқуқи соҳаси АҚШдаги 5,6 млн иш ўрнини таъминлаб турибди. АҚШ ялпи ички маҳсулотига муаллифлик ҳуқуқи объектларининг улуши ўртача 11-12 фоиздан иборат, Кореяда 9.9, Венгрияда 7.4, Австралияда 7.1, Хитойда 6.4, Канадада 5.4, Мексикада 4.8, Жанубий Африкада 4.1 фоизни ташкил этади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашда дунёда муаллифлик жамиятлари алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумот учун: Муаллифлар ва бастакорлар халқаро конфедерация (CISAC) 130 дан ортиқ мамлакатдан 250 дан ортиқ жамоат бирлашмаларини бирлаштирган ташкилот бўлиб, 2017 йилда ушбу тузилма таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан йиғилган муаллифлик ҳақла-



ри (гонорар) миқдори 447,8 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзбекистонда 2019 йилда ушбу турдаги учта муаллифлик жамияти Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган (жами 4 та).

Интеллектуал мулк соҳасида бошқарув органлари фаолияти юзасидан ўтказилган ушбу қисқа таҳлил натижасида айтиш мумкинки, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даражада амалга оширилмаслиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимидаги муаммолар, идоралараро мустаҳкам ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаслиги, айна соҳа бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек патент божлари ва тўловларининг юқори даражада белгиланиши ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатади. Бу каби ҳолатларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун эса, энг аввало, интеллектуал мулк соҳасида бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш лозим бўлади.


Шу нуқтаи назардан, интеллектуал мулк объектларини тижорат муомаласида бўлишини таъминловчи тегишли инфраструктура яратиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

➔ *Ўзбекистонда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти кўмагида 2025 йилгача бўлган даврга интеллектуал мулкни ривожлантириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунда қуйидагиларни назарда тутиш:*

- ▶ интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу соҳада вазирлик ва идораларнинг аниқ ваколат ҳамда вазифаларини белгилаш;
- ▶ интеллектуал мулк яратувчиларини қўллаб-қувватлаш, миллий брендларни кенг оммалаштириш;
- ▶ интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши кураш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ваколатли органларнинг вазифаларини аниқ белгилаш.

➔ *интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш муддатларини қисқартириш;*

➔ *интеллектуал мулк объектларига патент ва гувоҳнома бериш муддатларини қисқартириш мақсадида тезкор экспертисани амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш;*



➔ *божхона, солиқ, ички ишлар ва прокуратура органларига контрафактга қарши курашиш бўйича аниқ ваколатларни юклаш ҳамда ушбу йўналишда уларнинг фаолиятини кучайтириш;*

➔ *тадбиркорлик субъектлари, хўжалик бирлашмалари ва чет элга ўз маҳсулотларини экспорт қилаётган корхоналарга амалий кўмаклашиш;*

➔ *суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш. Бунинг учун, масалан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратура ва малака ошириш курслари тингловчилари учун "Интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш" мавзусида тегишли мутахассисликлар йўналишлари доирасида халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ўқув машвуротларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш;*

➔ *интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича тегишли ўқув дастурлари ва режалари, ўқув-услубий материал ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш;*

➔ *Ўзбекистон Республикасининг Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасига, шунингдек мамлакатда инвестицион муҳитнинг яхшиланишига кўмаклашувчи интеллектуал мулк соҳасидаги бошқа халқаро шартномаларга қўшилиши масаласини илгари суриш;*

➔ *мамлакат суд тизимида патент судини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш.*

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,
юридик фанлар номзоди

«ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ...»

Чин инсон, етук олим Убайдулла УВАТОВ сиймосига чизгилар

“Умр магар шамол эрур, ҳу дегунча ўтаро...”

Усмон Азим

Ўзини англаган, онгли, бир сўз билан айтганда зиёли инсон олдида ҳаммаша муҳим бир савол туради. Яратган фақат бир марта ато этадиган умрни қандай яшамоқ керак? Уни муносиб қаршилаш учун нима қилмоқ лозим...?

Ана шу саволга жавоб топиш ҳақида ўйлаганимда, кўз олдимга бутун умрини, ҳаётини илмга, маърифатга, зиё тарқатишга бағишлаган ҳақиқий маънодаги олимлар сиймоси гавдаланади.

Мана шундай Ватандошларимиздан бири, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватовдир.



Мен у кишини кўп йиллардан бери яхши танийман ва ҳурмат қиламан. У инсон мамлакатимизнинг олис бир қишлоғида, жуда бой-бадавлат бўлмаган, ўртаҳол оилада таваллуд топиб, оддий бир қишлоқ мактабида тахсил олиб, кейинчалик Ватанимизнинг жуда катта интеллектуал салоҳиятга эга фарзандларидан бири — етук фикршунос, исломшунос, тарихчи олим бўлиб етишди.

Нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларига таниқли олим Убайдулла Уватов 1940 йил 23 февралда

Қашқадарё вилояти, Фузор туманида таваллуд топган. 1958-1964 йилларда Тошкент давлат университети талабаси бўлган. Миср, Ироқ ва Ливия мамлакатларида таржимонлик фаолияти билан шуғулланган.

Олимимиз илмий фаолияти давомида буюк алломалар: Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Имом Ад-Доримий ва бошқа мутафаккирлар тўғрисида биринчилардан бўлиб илмий тадқиқотлар олиб борган ҳамда улар ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида 200 дан ошиқ мақола, 50 га яқин китоб ва рисоалар тайёрлаган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Убайдулла Уватов “Буюк юрт алломалари китобига киритилган ҳазрат Имом ал-Бухорий ҳақидаги мақоласида: “Манбаларда зикр қилинишича, Исмоил ўта тақводор, художўй, ҳалол бир инсон бўлган. Тарихчи Аҳийд ибн Ҳафаснинг ёзганлари бу фикримизга далилдир. “Абу Абдуллоҳ (имом ал-Бухорийнинг отаси) бандаликни бажо келтираётган чоғида уни зиёрат қилганимда, менга у: “Бор молу дунёмдан ҳаром, шубҳали, нопок йўл билан топилган бир дирҳамни ҳам билмайман”, деб илтижо қилганида менинг нафасим бўғилиб, бутун вужудим унинг улғворлигидан ҳеч


***Жамиятда ёмонликнинг ил-
дизлари кўп, аммо уларнинг
асосийси уч нарса - таъма,
газаб ва илмсизликдир.***

**Абу Райҳон
БЕРУНИЙ**

нарсадай туюлди”, – деб ёзади”. Эътибор қилинг, Убайдулла Уватовнинг қандай машаққатли меҳнатлари эвазига инсоният маънавий тараққиётига ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, муҳаддис олимимиз ҳаётига доир қимматли манбалар излаб топилган ва ибрат даражасида тадқиқ этилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, олимнинг меҳнатлари эвазига қанчадан-қанча буюк алломаларимизнинг илмий мероси бугунги авлод қўлига етиб келди.

Ҳар қандай миллат, ҳар қайси халқ тараққиётида тарихий шахслар ҳаёти ва илмий мероси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода ҳам Убайдулла Уватовнинг мамлакатимиз маданий тараққиётида катта ҳиссаси бор. Шубҳасиз, биз тарихимизда ўтган мана шундай буюк ўғлонларимиз билан фахрланамиз. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо ва Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Қафқол Шоший, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби кўплаб даҳолар номи жаҳон цивилизацияси тарихида олтин ҳарфлар билан битилган”.

Убайдулла Уватовнинг ўнлаб китобларини мутолаа қилар экансиз, қадим ўлкамиздан етишиб чиққан, ислом дини ва ундаги ўлмас маънавий қадриятлар такомиллида чинакам аҳамият касб этган буюк ватандошларимиз ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги фундаментал тадқиқотлар, ишончли ёзма манбалар, ноёб ва қизиқарли далиллар содда ва равон тилда, энг муҳими ибратли бир



тарзда баён этилганининг гувоҳи бўласиз. Олим Имом ат-Термизийга бағишланган илмий мақолаларидан бирида куйидагича ёзади. “Марказий Осиёлик тарихчи Абу Саад Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) ат-Термизий Буғ кишлоғида вафот этганлиги учун ал-Буғий тахаллуси билан ҳам аталгани, олимнинг кўп йиғлаганидан умрининг охирларида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан аз-Зарийр (кўзи ожиз) тахаллусини олганлигини ҳам қайд қилади.”

Убайдулла Уватов “Меҳнат шухрати” ордени ва “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланган. 2017 йилдан Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугун табарруқ 80 ёшни муносиб қаршилаган манбашунос олимнинг илм-фан йўлидаги машаққатли хизматлари юксак эътироф этилиб, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Яқинда шу муносабат билан Ўзбекистон халқаро Ислоҳ академиясида юбилей тадбири бўлиб ўтди. Маросимда талаба ёшлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул вакиллари, олимлар иштирок этди.

Ушбу кичкинагина мақолада Убайдулла Уватов ҳақида кўнглимдаги гапларнинг ҳаммасини ёзганим йўқ...

Хулоса қилиб айтганда, умрининг ҳар бир лаҳзасидан маъно излаб яшайдиган ва 80 ёшни ҳар томонлама муносиб қарши олган Ватандошимга Яратгандан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман.



Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.



Илҳом НАСРИЕВ,
юримик фанлар доктори,
профессор

НОДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОС, МУАММО ВА ЕЧИМ



**Улуғмурод
ЭРНАЗАРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузу-
ридаги Х. Сулаймонова
номидаги Республика суд
экспертизаси маркази
Суд экспертларининг
малакасини ошириш ўқув
маркази мудири

**Бугунги кунда амалга оширилаётган ҳуқуқий ис-
лоҳотлар шароитида экспертиза муассасалари-
нинг, хусусан экспертларнинг вазибалари – нафақат
содир этилган жиноятларни фош этилишида, балки
дастлабки тергов босқичида ҳам, жиноят ёки фуқаро-
ролик ёхуд иқтисодий судларда кўриб чиқилишида
ҳам шахснинг айбдор ёки айбсизлигини исботлашда,
яъни инсон тақдирини ҳал қилиш жараёнида фаол
иштирок этиш ҳисобланади.**

Шундай экан, хоҳ у жиноят ёки маъмурий, фуқаролик ёки иқтисодий процесс бўлсин экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Бу жараён жуда долзарб бўлиб келган ва ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Чунки жиноят содир этган шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлаш, фуқаролар ўртасида юзага келган низони адолатли ҳал қилишда экспертиза хулосаси муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Замонавий жамиятнинг махсус билимлардан дастлабки тергов ва суд жараёнлари доирасида ёки ундан ташқарида фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг жадал ўсиши суд-экспертизаси хизматларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек, давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустақил ва энг истиқболли механизми сифатида кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорига мувофиқ, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва уларга айрим турдаги экспертларни ўтказиш учун рухсат берилиши суд-ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг давоми ва экспертиза институтининг ролини кучайтиришга қаратилган саъий ҳаракат ҳамда фуқароларимиз учун муқобил экспертиза ўтказишни танлашга яратилган имконият ҳисобланади.

Республикада мавжуд экспертиза муассасалари тизими фаолиятининг асосий мақсади – объектив, илмий асосланган экспертиза тадқиқотларини ўтказишдан иборатдир.

Статистик маълумотлар, давлат экспертиза муассасалари томонидан ўтказилаётган экспертизалар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Аммо, давлат экспертиза муассасаларидаги давлат суд экспертлари штат бирликларининг чекланганлиги ўз-ўзидан мавжуд экспертлар иш ҳажмларининг ошириб кетишига, белгиланган меъёрдан ортиқча ҳажмда тадқиқот ўтказилишига сабаб бўлиб, пировард натижада берилган таъсир хулосаларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, республикада давлат суд экспертиза муассасаларининг муқобил шакли сифатида нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, уларга айрим экспертиза турлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ваколатини бериш бугунги кундаги ҳаётининг зарурият деб ҳисобланади ва мамлакат раҳбарининг юқорида қайд этилган қарори ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган дастлабки ҳуқуқий асос бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Нодавлат суд экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишга бўлган зарурат – нодавлат суд экспертиза ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарори билан “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини

ташқил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини тўлиқ тартибга солиш бўйича барча масалаларни қамраб олмаган деб ҳисоблаймиз. Назаримизда, нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолияти нафақат қонуности ҳужжатлари даражасида, балки қонун билан тартибга солиниши лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунида нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг назарда тутилмаганлиги ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари институти жорий этилиши муносабати билан ушбу қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Унда нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг тушунчаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва фаолиятига қўйиладиган мажбурий талаблар, нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг штат бирлиги ва раҳбари фаолиятига оид шартларни белгилаш; нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертизасини ўтказишда давлат суд экспертиза муассасалари сингари функцияларни амалга ошириши, ҳуқуққа эга бўлиши, мажбуриятларни бажариши ва жавобгар бўлиши каби жиҳатлар белгиланиши назарда тутишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, ушбу қонунда “Нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг аффилиланган шахсларига оид” нормани ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Унга кўра, суд экспертизаси ўтказиш учун келиб тушган иш бўйича томонларнинг бирортасига нисбатан аффилиланган шахс бўлган нодавлат суд-экспертиза ташкилотига ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг суд экспертига бу иш бўйича суд экспертизасини ўтказиш таққиқланиши лозим.

Назаримизда иш бўйича иштирок этаётган томонларнинг аффилиланган шахси деб қуйидагиларни белгилаш:

“нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг мулкдори, таъсисчиси, кузатув кенгаши, ижро органи аъзоси, кредитори, сувурталовчиси;

устав жамғармаси (устав капитали) да нодавлат суд экспертизаси ташкилотининг ёки нодавлат суд экспертизаси ташкилоти суд экспертизасининг улуши бўлган юридик шахс”;

“кўрсатилган шахслар билан яқин қариндош бўлган шахслар”ни белгилаш лозим.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон қарори талабидан келиб чиқиб, шу билан бирга суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) нодавлат суд экспертиза ташкилоти томонидан ўтказилган суд экспертизаси хулосасига қўшилмаган тақдирда, қайта суд экспертизаси фақат давлат суд экспертиза муассасалари томонидан ўтказилиши лозим.

Бундан ташқари, давлат суд экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган суд экспертизаси хулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси, шу жумладан комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари нодавлат суд экспертиза ташкилоти томонидан ўтказиш ваколатига эга бўлиши лозим. Бу эса, суд экспертизасини ўтказишда томонлар учун муқобил суд экспертиза ташкилотларига мурожаат қилиш имкониятини яратибгина қолмасдан, балки нодавлат суд экспертиза ташкилотлари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланган фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини янада ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этишда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Шу сабабдан нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташқил этиш, тартибга солиш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, қолаверса улар томонидан берилган хулосалар учун ташкилот ва экспертларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб беришга оид қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

БОШ МАҚСАД — ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТ ҚАРОР ТОПИШИГА КЎМАКЛАШИШ

Ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятининг тараққий этиши учун нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти зоятда муҳим.

Қарийб чорак асрга яқин вақтдан буён мамлакатимизда фаолият юритаётган, барча судьяларни маънан бирлаштириб келаётган Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ҳам суд тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг иштирокчиси, суд ва ҳуқуққа оид қатор лойиҳаларнинг тарғиботчиси ҳамда кўплаб тадбир ва давра суҳбатларининг ташкилотчиси сифатида тизимнинг янада шаффоф ва ёрқин намоён бўлишида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

“2019 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да белгиланган чора-тадбирларни йил давомида, режага асосан бажарди. Бунда судлар билан жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида жамиятда ҳурмат қозонган кекса авлод вакиллари кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг ташаббуси билан доимий равишда ўтказилиб келинаётган “Уч авлод учрашуви” мавзусидаги давра суҳбатлари ҳисобот йилида кенг қамровли тарзда амалга оширилиши лозим бўлган учрашувлардан бири бўлди. Айниқса, сўнгги икки йилдан буён илк бор судьялик лавозимларига тайинланган судьялар, захирага олинган номзодлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда турмуш ўртоқлари билан бўлаган учрашувлар соҳа ходимлари орасида йўл қўйилаётган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олди

олинишига хизмат қилмоқда. Бундай учрашувларда, асосан миллий кадриятлар, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик фазилатларига алоҳида урғу берилиши иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Ассоциация томонидан филиаллар ишини янада жонлантириш ва фаолиятга доир вазифаларни тўлақонли бажариш учун ҳар йили алоҳида “Дастур режа” тузилиб, ижро этиш мақсадида жойларга юборилиши йўлга қўйилган. Дастурда белгиланган тартибга асосан ҳудудларда бўлиб ўтган конференцияларда масъуллар билан биргаликда ўша ҳудуд (вилоят, шаҳар)да фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан вакиллар, адвокатлар, маҳалла оқсоқоллари, васийлик ва ҳомийлик органлари мутасаддилари, хотин-қизлар кўмитаси ва ёшлар иттифоқи фаолларининг ҳам иштироки таъминланди. Бундан кўзланган мақсад эса соҳа ходимларининг фаолиятида тажриба алмашинуви йўлга қўйиш, ахлоқий қарашлар борасида ижобий кўрсаткичларга эришиш ва судьялар, судьялик лавозимларига захирада турган номзодларга ўринли маслаҳатлар беришидир.

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси халқаро-ҳуқуқий майдонда ҳам алоқаларни мустаҳкам ўрнатилишига эришмоқда. Жумладан, 2019 йилда Ассоциация вакиллари МДХ мамлакатлари Судьялар ҳамжамиятларининг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш масаласида ўтказилган конференцияда, Москва шаҳрида Халқаро Юристар Иттифоқининг VII съездида, Германиянинг Бонн шаҳрида Судьялар Ассоциациялари Меморандум гуруҳининг халқаро конференциясида иштирок этди. Хорижий мамлакатларга бўлган ташриф чоғида ўша мамлакатларнинг Судьялар Ассоциациялари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва тажриба алмашув усуллари оммалаштириш борасида келишувларга эришилди.

Ассоциациянинг Марказий кенгаши аъзолари мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари самарадорлигини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, “Юксалиш” Умуммиллий



ҳаракати, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сиёсий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, ЕХХТ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида турли мавзудаги учрашувлар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, илмий-амалий конференциялар, имтиҳон жараёнлари, Пленум ва хорижий экспертлар билан учрашувларда иштирок этиб келишди. Шунингдек, одил судловни амалга оширишда фаол ва ишчан судьяларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида қонун устуворлигини таъминлашда намунали фаолият юритаётган судьялар ва суд ходимларининг бир гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик ва уларнинг тавсиясига, асосан суд тизимида олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда аҳоли ўртасида судларга бўлган ишончни мустаҳкамлаш борасида қўшган ҳиссаси учун Ассоциациянинг ташаккурномаси изҳор қилиниб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Суд ҳоқимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифалардан бири сифатида уқтирилаётган бир вақтда Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида, илк бор лавозимларга тайинланаётган судьяларни шарафли касбнинг сир-асрорларини эгаллашларида ҳуқуқ илмини чуқурроқ ўзлаштиришига кўмак беришни долзарб вазифа сифатида қарайди ва ҳуқуқий майдонда муносиб ўринга эга бўлишга интилади. Зеро, Муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни кенг тарғиб қилиш борасида соҳанинг малакали вакиллари қаторида тизимнинг таниқли, шу билан бирга ардоқли фаол фахрийларини ҳам хизматга кенг жалб этиш лозим.

Шерзод ДАМИНОВ,
журналист.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ЖИНОЯТ ИШНИ СУДДА КЎРИШ: НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Турдымурат УТЕНИЯЗОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурдаги Судьялар олий мактаби ўқув режаси бўйича Олий мактаб магистратураси тингловчилари 2020 йил 13 апрелдан бошлаб таълим даврида амалиёт билан боғлаган ҳолда олган назарий билимлар, касбий кўникма ва малакаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида жорий этилган стажировкани жиноят ишлари бўйича судларда иш юритиш тартиб-қоидаларини ўрганишдан бошладик.

Стажировка давомида устозларимиз билан биргаликда Тошкент шаҳрининг жиноят ишлари бўйича судларида малакали судьялардан “Ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида суд ишларини расмийлаштириш ва ишларни суд мажлисида кўришга тайёрлаш” мавзусини чуқур ўргандик.

Мазкур масаланинг жиноят ишлари бўйича судда амалий фаолиятини бошлаш учун энг муҳим босқичлардан бўлганлиги, бу босқичда суд ишларини расмийлаштириш, суд мажлисида ишни кўришга тайёрлаш жараёнидаги амалий муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида алоҳида тўхталиш зарур.

Стажировка жараёнида мазкур босқичда расмийлаштирилаётган барча ҳужжатлар намуналарини ўрганиб, уларни тузишда нималарга аҳамият бериш зарур, қандай ҳолатларда ва қайси ишларни ташкил этиш керак деган саволларга катта тажрибага эга судьялар томонидан батафсил тушунтиришлар олдик.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 395-, 396-, 397-моддаларида бу масала бўйича тегишли тартиб ўрнатилган.

Лекин амалиётда ишни судда кўриш учун тайинлаш босқичида суд ишларини расмийлаштириш ва ишларни суд мажлисида кўришга тайёрлаш борасида баъзи бир муаммолар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 396-моддаси биринчи қисми 5-бандига кўра, жиноят ишлари судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганлигини аниқлаши лозимлиги, 397-моддаси 5-бандида эса, ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисида қарор қабул қилиши лозимлиги кўрсатилган.

Амалиётда судья жиноят ишлари судда кўриш учун тайинлаш чоғида дастлабки терговда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси нотўғри танланган деб ҳисобласа, эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида ишни суд муҳокамасига тайинламасдан туриб ҳам ўзгартириши мумкин. Бунда суд ЖПКнинг 397-моддаси асосида чиқариладиган жиноят ишлари судда кўриш учун тайинлаш қарорида акс эттириши лозим.

Жиноят ишлари судда кўриш учун тайинлаш босқичини янада такомиллаштириш учун Жиноят-процессуал кодексининг 395-, 397-, 399-, 401-моддаларига суд амалиётини умумлаштирган ҳолда ўрганилган натижаларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



**Жамолитдин
АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ,**
Юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

ҚОЗИЛИК СУДЛАРИ: ТАРИХДАН САБОҚЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қозилик судларини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлашнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари сифатида судьялик вазифасини амалга оширувчи шахсларга қўйиладиган талаблар, уларни танлаш шартлари ва тартиби ҳамда уларни сайлаш ва тайинлаш асослари билан боғлиқ масалалар ҳар томонлама таҳлил этилган.

Калит сўзлар: қози, қозилик номзодига қўйиладиган талаблар, суд, судья, судьялар корпуси, судьялар мустақиллиги, танлаш, тавсия этиш, сайлаш, тайинлаш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы историко-правовые аспекты формирования судов казиев, а также требования к лицам осуществляющим функции судей, условия и порядок их отбора, основания их избрания и назначения как факторы обеспечения их независимости.

Ключевые слова: кади, требования к кандидату в кази, суд, судья, судейский корпус, независимость судей, отбор, рекомендация, выборы, назначение.

ANNOTATION

This article comprehensively analyzes the requirements for persons acting as judges, the conditions and procedure for their selection, as well as the basis for their election and appointment as historical and legal aspects of the formation of judicial courts and ensuring their independence.

Keywords: kazi, requirements for a candidate for kazi, court, judge, judiciary, independence of judges, selection, recommendation, elections, appointment.

Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда судьялар корпусини шакллантиришга оид ислохотлар ва унинг ривожланишини тарихий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода миллий ҳуқуқий кадрятларнинг тараққиёти моҳиятидан келиб чиқиб, тарихий давлатчилик анъаналарига асосланган ҳолда қозилик институтининг шаклланишини илмий-назарий таҳлил этиш зарурияти вужудга келмоқда.

Дарҳақиқат, "...суд ҳокимиятини шакллантириш борасидаги тарихий тажрибамизнинг ижобий ва салбий томонларини ҳар томонлама таҳлил этиш, ўз навбатида, бугунги кунда ижтимоий воқелигимиз учун монанд келадиган ҳамда жаҳон тажрибасининг илғор томонларини ўзида мужассамлаштирган мустақил суд ҳокимиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади"¹.

Судьялар корпусини шакллантиришга доир таълимнинг вужудга келиш тарихи олис мозийга бориб тақалади. Шу боис ўтмиш ва ҳозирги замон нуқтаи назаридан бундай холисона ёндашув ўз навбатида, тадқиқ этилаётган масаланинг моҳиятини теран англашга имкон беради. Шунингдек, соҳага оид илмий-ҳуқуқий таълимотлар ва тарихий тажрибани ўзлаштирмай туриб, мазкур ихтисосликка оид назарияларни диалектик бирликда тушуниш мураккаб масаладир. Энг муҳими, судьялар корпусини шакллантириш борасидаги у ёки бу назарий қарашларни диалектик билиш орқали уларнинг тарихий шаклланиш ва ривожланиш жараёнини илмий асослаш натижасида ўрганиш долзарб муаммолардан биридир.

Юридик адабиётларда мамлакатимиз ҳудудида "судлар узоқ ўтмиш – 3-3,5 минг йил аввал шаклланиш даврида"² бўлганлиги эътироф этилади. Бу эса, судьялар корпусини шакллантиришнинг тартиб-таомиллари ҳам шу қадар чуқур тарихий тажрибага асосланганлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ҳудудида судьялик вазифасини амалга оширувчи шахслар ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар мужассамлашган илк манба – "Авесто" ҳисобланади. Мазкур манбада қайд этилишича, оқсоқоллар кенгашининг мўътабар уламиси – коҳин олий судья вазифасини бажарган. Шунингдек, унда келтирилган "вис"³ тушунчаси ҳам уруғ жамоаси бошлиғи сифатида ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларни бажарган. У катта оила жамоаси оқсоқоллари орасидан сайланиб, уруғ жамоаси бошлиғи, судья, коҳин ва жамоа раҳнамиси ҳисобланган. Эътиборли жиҳати шундаки,

фақатгина “...зардуштийлик қонун-қоидаларини яхши биладиган Олий қохин – Заратуштроэма”⁴ суд жараёнларини олиб борган. Бу эса ўз навбатида, қадимги даврларда ҳам диний амалдорларнинг обрўси ва нуфузи жуда юқори бўлиб, ҳатто улар судьялик лавозимига уруф жамоаси оқсоқоллари орасидан танланиб сайланган ҳамда бир вақтнинг ўзида судья, қохин ва жамоа бошлиғи вазифаларини амалга оширганлигидан далолат беради. Мазкур даврда энг доно, билимли ва албатта обрў-эътиборли шахс қохин бўлган. У нафақат диний ва дунёвий илмларни, балки маҳаллий халқнинг урф одатлари ҳамда анъаналарини яхши ўзлаштирган. Шунинг учун ҳам мана шундай масъулиятли, обрў-эътиборли шахслар судьялик мартабасига сайланганлигини кўрсатса, бошқа томондан эса қадимги даврларда ҳам судья одил судловни амалга оширувчи мансабдор шахс сифатида ўзига хос мақомга эга бўлганлигини кўрсатади.

Н.Бичурин фикрича: “Судья этиб эса, довюрак, кучли, мураккаб ишларга қодир бўлган кишилар тайинланган”⁵. Фикримизча, ўтмишда суд ишлари нафақат муаллиф томонидан қайд этилган шахслардан, балки халқ ўртасида обрў-эътибор қозongan шахслар томонидан ҳам олиб борилган. Бу эса ўтмишда судьялар томонидан қабул қилинадиган қарорлар адолатли, ҳукмлари қатъий хусусиятга эга бўлишига, энг муҳими, унга эътироз билдиришга эҳтиёж қолдирилмаганлигидан далолат беради.

Шунингдек, “Авесто” китобига асосланган ҳолда айтиш лозимки, қадимда судьялар тайинлаш тартибида эмас, аксинча оқсоқоллар кенгаши томонидан сайланиш орқали бу вазифани амалга оширганлар. Демак, бугунги кундаги мамлакатимиздаги судьяларни сайлаш тартиби тарихий миллий тажрибага асосланганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолатлар ўша даврларда ҳам судьялар турли хил таъсирлардан мустақил бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида мусулмон ҳуқуқининг ёйилиши билан алоҳида суд органи Қозилар суди тизими ташкил топди ва ривожланди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг фикрича: “қозилик” дейилганда маҳкама, яъни, бугунги истилоҳимизга ажнабий тилдан кириб қолган “суд” калимаси тушунилади. Халқлар ва миллатлар ҳаётида қозилик ишлари катта аҳамиятга эга. Зотан, айнан қозилик орқали одамлар орасида адолат, инсоф ва тенглик ўрнатилади. Одамлар орасидаги хусуматлар ва низоларга чек қўйилади. Золимнинг зулми ва тажовузкорнинг тажовузи рад қилинади”⁶. Дарҳақиқат, қозиларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш бой ҳуқуқий меросимизни теран тадқиқ қилишга, бу масъул мансабда иш юритган кишиларнинг фаолиятини баҳолашга ҳамда унинг ғоявий илдиэларини тўғри тушунишга имкон беради.

“Қози” тушунчаси дастлаб Муҳаммад (с.а.в) даврида муомалага киритилган ва кенг қўллани-



ла бошланган категория бўлиб ҳисобланади. Атамашунослик нуқтаи назаридан “қози” ва “судья” сўзлари ўзаро чамбарчас боғлиқ синоним тушунчалар сирасига киради. Шу боис кўплаб ҳуқуқшунос ва тарихчи олимлар қози тушунчасини турлича талқин этганлар. Хусусан, У.Тажихонов “Қози (араб.) – ҳал қилувчи, ҳукм чиқарувчи”⁷ деб ифода этса, М.Хамидова “Қозига суд ишларини амалга оширувчи, шарҳловчи шахс...”⁸ деган таъриф беради. Мазкур таърифларда муаллифлар қози тушунчасига тор доирада ёндашиб қози вазифаси ва ваколатларига доир бошқа энг муҳим масалаларни эътибордан четда қолдирганлар. Бироқ, айрим ҳуқуқшунос олимлар жумладан, К.Ҳайреттин⁹, Ш.Эшонова¹⁰ қози сўзи туркий тилида “ёрғувчи” деб аталиб, “тақсимловчи” деган маънони англатишини ифода этганлар. Бошқа қомусий луғатларда “қози” (туркий ва форс, араб – “қадди”) – мусулмон давлатларида, якка тартибда шариат асосида судлов ишини амалга оширувчи судья¹¹ деган фикр илгари сурилган. Қомусий манбаларда эса, “Қози - мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифаларини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси”¹² деб қайд этилган. Ф.Абдумажидов, Э.Панасенко фикрларича, “Arbiter”, “Judex”¹³ сўзлари латин тилида судья, ҳакам, қози деган маъноларни англатади. Бошқа бир манбаларда эса, “Қози” сўзи араб тилидаги “қазо” феълидан олинган бўлиб, ўзбекчага таржима қилинганда “кесиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш”¹⁴ деган маъноларни англатиши эътироф этилган. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра эса ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни “қазо”, яъни қозилик қилишдир¹⁵. Бироқ, “Мухтасар ал-Виқоя”, “Жоми ар-Румуз” каби ислом ҳуқуқий манбаларида “қози ҳукм чиқарувчи, шикоят ва келишмовчиликларни шариатга асосланган ҳолда судловчи ҳамда у ёки бу тарафга жавобгарликни белгилувчи”, деб таъриф берилган.

“Қози” тушунчасига илмий доктринал таъриф бериш унинг мақомини англашга ёрдам беради. Бизнинг фикримизча, қози бу белгиланган тартибда давлат раҳбари томонидан тайинланадиган ва қозиликнинг муайян малака талабларига жавоб берадиган, маҳаллий халқнинг урф-одатлари ва анъаналарини яхши ўзлаштирган, шариат

нормалари ва фикҳ илмига асосланиб зиммасига адолатли ҳукм ва қарорлар қабул қилиш мажбурияти юклатилган, айбдор шахсларга жавобгарликни юкловчи ҳамда уларнинг ижросини таъминлайдиган, назоратга оладиган, қарорлари бажарилиши мажбурий тусга эга бўлган шахсдир.

Ўтмишда қозиларни тайинлаш масаласи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Жумладан, баъзи манбаларда Муҳаммад (с. а. в.) томонидан айрим ҳолатларда бир неча шахсларга муайян масалалардагина бир маротаба қозилик ваколлатини бериш ҳоллари ҳам учраб турганлиги¹⁶ ифода этилган. Бу эса, дастлабки вақтларда қозилар доимий фаолият юритмай, балки айрим ҳолатлардагина заруратга қараб қозилик вазифасини амалга оширишга жалб этилганлигидан далолат беради.

Тарихий-ҳуқуқий манбаларга кўра, қозилар пайғамбар Муҳаммад (с. а. в.), ундан кейин халифалар томонидан тайинланган. Аммо, қозиларни тайинлаш масалаларида ҳар бир халифа ёки ҳукмдорнинг ўзига хос сиёсати, шахсий дунёқараши мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Кези келганда айтиш лозимки, дастлаб қозиларни танлаш, тайинлаш масалалари жуда содда кўриниш касб этган бўлса-да, кейинчалик даврлар талаби асосида тақомиллашиб борган.

Қозиликнинг энг юқори мартабаси “Қозиюл-қуззот” деб номланган. Манбаларда қайд этилишича, биринчи бўлиб ислом дунёсида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Имом Абу Юсуф “Қозиюл-қуззот” унвонига эришиб энг олий мартабага кўтарилган.

Бинобарин, дастлаб, қози ал-қуззот қозиликка тайинлаш мумкин бўлган номзодни ҳукмдорга тавсия этиш ваколлатига эга бўлган бўлса-да, кейинчалик у қозиларни танлаш ва тайинлаш имконини тўлиқ қўлга киритган¹⁷. Бошқа бир манбаларда эса “баъзи ҳолларда олдинги қозининг номзод кўрсатиши асосида ўринбосар қозилар тайинланган”лиги¹⁸ таъкидланади. Бизнингча, бундай ҳолат қозилик лавозими ва унинг ўринбосарига номзод кўрсатиш бевосита қозилар томонидан ҳам амалга оширилганлигини кўрсатади. Қолаверса, уларни тайинлаш учун дастлаб халифаларга, кейинчалик давлат ҳукмдорларига махсус тавсия этишнинг

самарали тизими ва амалиёти мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бинобарин, қози ва унинг ўринбосарини лавозимга тайинлаш ва ундан озод этишдаги бундай тартиб-таомилларнинг мавжудлиги қозилар ва улар ўринбосарларининг том маънода мустақил фаолият юритиши қафолатлангандан далолат берса, бошқа томондан эса қози ва унинг ўринбосари лавозимига энг муносиб номзодларни танлаш имконини берган.

Ҳоятда аҳамиятли жиҳати шундаки, “қози ёки унинг ноибининг ушбу лавозимга ваколлатли шахс томонидан тайинланган бўлиши”¹⁹ муҳим ҳисобланиб, бу масала унинг чиқарадиган ҳар бир ҳукмида кўрсатилиши шарт бўлган. Бу эса биринчидан, қози томонидан қабул қилинган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқласа, иккинчидан, қози фақатгина ваколлатли шахс томонидан тайинланиши мумкин бўлганлигидан далолат беради.

Қозилик тизими мустақиллигининг илк мумтоз кўринишлари ўтмишдан шаклланиб келаётганлигига асослар мавжуд деб айтиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, Халифа Умар “қозилик тизимини ижро этувчи ҳокимиятдан ажратган. Натижада қозилик бевосита халифа билан боғлиқлиги улар обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлган”. Бу эса ўз навбатида, қозиларнинг обрўсини ошириш ҳамда қозиларни турли маҳаллий ва ҳудудий амалдорлардан мустақил фаолият юритиш имкониятини яратган. Халифа Усмон ибн Аффон даврида ҳам қозилик амалиёти мустақил ва волийлик билан бир пайтда олиб борилган²⁰. Бироқ Халифа Али ибн Абу Толиб даврига келиб пойтахт Куфада қозилик вазифасини халифанинг ўзи бажарган бўлса, вилоятлардаги қозилар эса вилоят волийлари томонидан тайинланган. Бундан ташқари, баъзи бир адабиётларда “...ҳар бир вилоят раҳбари ҳам волий ҳам қози сифатида фаолият юритган”²¹, деб ифода этилган. Бу эса ўтмишда маъмурий раҳбарлик ва қозилик вазифаси айнан бир вақтда якка мансабдор шахс томонидан амалга оширилганлигини тарихий тажриба кўрсатмоқда. Уммавийлар даври қозилари икки гуруҳга - пойтахт қозилари ва вилоят қозиларига бўлинганлар. Пойтахт қозилари шахсан халифа томонидан, вилоят-минтақа қозилари эса ҳокимлар томонидан тайинланган²². Аммо халифа Абу Жаъфар Мансур (ҳукм дав. 132-136/750 - 754 йй.) қозиларни тайинлашга фақат халифа ҳақли деб ҳисоблаб, ҳокимларни бу ваколлатдан маҳрум этган²³. Бизнинг хулосамизга кўра, қозиларни тайинлашда вилоят-минтақа ҳокимлари иштирокини чеклаш билан боғлиқ бундай тартибнинг илк нишонлари жорий этилиши биринчидан, қозиларни маҳаллий амалдорлардан мустақиллигини таъминлаган бўлса, иккинчидан, қозиларни тайинлаш ваколлатига мутлоқ давлат раҳбари ҳақли бўлганлигини кўрсатади.



Тарихий тадқиқотларга кўра, "...хукмдорлар давлат ишлари билан бир қаторда қозилик вазифасини ҳам бажарганлар". Бу эса халифалар нафақат давлатни идора этганлар, балки тегишли ҳолатларда қозилик вазифасини ҳам шахсан ўзлари амалга оширганликларидан далолат беради. Бошқа хукмдорлар ҳам қозилик вазифасини амалга оширишга ҳақли бўлган. Бироқ, кейинчалик давлат раҳбарлари давлат ишлари билан банд бўлганликлари боис, мазкур вазифага энг лойиқ, обрў-эътиборли шахсни қози этиб тайинланганлар.

Чунончи, қозиларни танлаш, тайинлашга тавсия этиш масалалари ҳам ўзига хос жиҳатларига эга бўлган. Ислом ҳуқуқи ғоясига кўра, қозилик сўраб ёки илтимос қилиб, югуриб, таниш-билишчилик қилиб эгалланадиган мансаб эмас, хукмдор томонидан шу ишга лойиқ деб топиш мажбурий тайинлаш натижасида эгалланиши рағбатли бўлган²⁵. Шунинг учун ҳам манбаларда келтирилишича, кўплаб фақиҳлар қозилик мансабини эгаллашдан бош тортиб, бундай масъулиятли вазифани бажаришни ўзларидан соқит қилганлар. Бироқ қозилик лавозимига бошқа қобилиятли номзод бўлмаса, фуқаролар ўртасида ва жамиятда адолатни таъминлаш мақсадида дастлабки танланган номзодга қозилик лавозимини бериш мажбурий саналган. Масалан, Абу Ҳанифанинг ўзи, қийноқ остидагина уни эгаллашга рози бўлган. Бу эса, ўтмишда қозилик лавозимига тайинланган шахсларга кенг ваколатлар берилган бўлиши билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан оғир юк, ўзига хос жуда катта масъулият ва жавобгарлик ҳам юклатилганлигини кўрсатади. Шу боис, қозиликка ўз қобилиятига, билими ва иқтидорига ишонадиган шахсларгина танланиб тайинланиши лозим бўлган. Бироқ, маънавий-ахлоқий жиҳати шундаки, қозилик мансабига ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатиш, яъни шахс ўзини қози этиб тайинлаш ҳақида мурожаат этиш ёки ташаббус кўрсатиши одобдан бўлмаган. Шу боис, бу лавозимга лойиқ номзодлар хукмдор томонидан танланиши қозилар таркибини шакллантиришнинг энг мақбул ташкилий усули бўлган. Аммо, ҳар бир мусулмон киши қозиликка тайинланиш истагига эга бўлиши мумкин бўлган. Қозиликка ноқобил кишиларнинг тайинланиши жамиятга катта зарар келтирган. "Бир киши халқ орасида қозий бўлмоқни истаса, шуни амалга оширмақ учун бошқалардан ёрдам сўраса, Аллоҳ таоло бу кишини ўз эркига ташлайди. (Хукм вақтида унга ҳеч тавфиқ бермас). Агар бир кишини халқ зўрлаб кўйса, бу қозийга хукм вақтида тўғри йўл кўрсатмоқ учун Аллоҳ бир фаришта юборади"²⁶.

Бу эса, ўз навбатида, қозилик лавозимига тайинланадиган номзод шахс ҳеч кимнинг ёрдами-

сиз ва кўллаб-қувватлашисиз қозилик мансабига ўзининг адолатлилиги ва шахсий фазилатлари, етарлича обрў-эътибори, ҳаётий тажрибаси ва билими эвазига эришиши асосий ва зарурий шартлардан бири бўлганлигини кўрсатади.

Давоми кейинги сонда

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобоев Ҳ., З.Хидиров ва б. Ўзбек давлатчилиги тарихи (II китоб). Т.: "Fan va texnologiya", 2009. 363 б.
2. Рустамбоев М.Х, Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Даслик. - Т.: "ZAR QALAM", 2005. - 6 б.
3. Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С., Олимов Я. "Авесто" ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. - Урганч: "Хоразм", 2002. - 18 б.
4. Ўша жойга қаранг 16 б.
5. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. — М.: Наука, 1978. - С.52.
6. <http://fiqh.uz/index.php/fiqh-uz/fiqh-ilm/337-adabul-ozil-va-ozilik-kitoblari>.
7. Тажионов У.Т. Юридик энциклопедия. - Т.: Шарқ, 2001. - 609 б.
8. Хамидова М. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. - Т.: ТДҲОИ, 2004. - Б. 38-39.
9. Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. 11 great Ottoman -Turkish civilisation.vol.3. - Ankara: Philosophy, science and institution Editor-in-chief Kemal Gigeek. Yeni Tflrkiye, 2000. - P. 666-675.
10. Эшонова Ш. Правовые основы организации и деятельности судов казиев в Сердней Азии (вторая половина XIX века - 20-е годы XX). Монография. - Тошкент: "NOSHIR" нашриёти, 2010. - 9 с.
11. Саидов А.Х. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий лугат - Т.: Anaprint. 2006. - Б.715-716.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2005. - 41 б.
13. Абдумажидов Ф.А., Э.Д.Панасенко. Юридик иборалар ва ифодалар. Лотинча-русча-ўзбекча -Т.: ТДҲОИ, 2007. - 12 б.
14. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва тахлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. - Тошкент: Ислом университети, 2014. - Б. 159-160.
15. Қаранг: Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. 11 great Ottoman -Turkish civilisation.vol.3. - Ankara: Philosophy, science and institution Editor-in-chief Kemal Gigeek. Yeni Tflrkiye, 2000. - Б. 666-675.
16. Muhammad Khalid Masud, Rudolph Peters and David S. Powers (eds.). Dispense Justice in Islam: Qadis and their judgments. - Boston: E. J. Brill, 2006. - 10 б.
17. Арнус Маҳмуд ибн Муҳаммад. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. - Қоҳира: Ал-матба'а ал-мисриййа ал-ҳадиса ал-ахлиййа, 1353/1934. - 97 б.
18. Муҳаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо фи-л-ислам. - Дамашқ: Дор ал-мактабий, 1419/1998. - Б. 114 б.; Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва тахлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. - Тошкент: Ислом университети, 2014. - 149 б.
19. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Мухит-ул-бурхоний фи-л-фиқҳ ан-нўмоний. 9 жилдлик / Абдулкарим Сами ал-Жундий таҳрири остида. - Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1425/2004. Ж.9. - Б. 409; Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Қўлёзма № 8781. - Б. 2.
20. Арнус Маҳмуд ибн Муҳаммад. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. - Қоҳира: Ал-матба'а ал-мисриййа ал-ҳадиса ал-ахлиййа, 1353/1934. - Б. 179.
21. Муҳаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. - Дамашқ: Дор ал-фиқр, 1416/1995. - Б. 45.
22. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва тахлилий ёндошувлар: монография/ И.И.Бекмирзаев; масъул муҳаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. - Тошкент: Ислом университети, 2014.149 б (332 б.)
23. Зофир ал-Қосимий. Низом ал-ҳукм фи-ш-шари'а ва-т-тарих ал-исламий. 2 жилдлик. - Байрут: Дор ан-нафо'ис, 1992. Ж.2. - Б. 423; Ашроф Манно' ал-Қаттон.
24. Исломов Ш. Ибн Халдун ижодида қозилик масаласи: Ислом ва ҳуқуқ // Имом ал-Бухорий сабоқлари. - 2013. - №1. 26 б.
25. Шодиев Ж., Усмонова Х. Миллий давлатчилик тарихидаги судлов масалаларининг айрим жиҳатлари. "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга доир изланишлар" мавзусидаги давра суҳбати материаллари. -Т.: ТДҲОИ, 2011. - 231 б.
26. Ҳадис - олимлар, қозилар, ҳокимлар ҳақида // Таржимон ва нашрга тайёрловчи Т.Зиёев; Масъул муҳаррир: А. Рустамов/. - Т.: Чўлпон, 1996. - Б. 56-57.



**Асқар
МАМАРАИМОВ,**
Сурхондарё вилоят
Шеробод туман-
лараро иқтисодий
суди судьяси

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ ЧОРАЛАР

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бора-сида мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, жамоат тартибини қасддан менсимасдан, ички ишлар органлари ва бошқа масъул идоралар вакилларининг қонуний талабларини бажармасдан, белгиланган карантин қоидаларини бузётган шахсларга нисбатан тегишли маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган биргина муаммо – COVID-19 коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўлиб қолмоқда. Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш, фуқаролар соғлигини сақлаш ҳамда ушбу пандемиянинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини камайтириш мақсадида барча давлатлар биринчи навбатдаги зарур чораларни кўрмоқда.

Бу борада юртимизда ҳам кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси ташкил этилиб, комиссия қарорларига асосан дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиақатновлар тўхтатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олиш талаби белгиланганлиги, республика ҳудудидаги барча кўнгилочка объектлар, шу жумладан, тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлари, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти тўхтатилганлиги, омавий ва байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши тўхтатилганлиги, давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилганлиги ва коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар кўрилатганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айрим фуқаролар томонидан эпидемияга қарши кураш қоидаларининг бузилиши, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантин та-

лабларига риоя этмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда. Бундай ҳолатлар шахснинг нафақат ўз ҳаёти ва соғлиғига, балки коронавирус инфекцияси асосан яқин масофада аксирганда, йўталганда ҳаводан бурун ва нафас йўллари орқали, шунингдек қўл бериб кўришганда юқиши мумкинлиги инobatга олинганда, бевосита бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳам хавф туғдиради.

Жумладан, 2020 йилнинг 22 апрель кунига қадар Сурхондарё вилоят маъмурий судлари томонидан карантин қоидаларини бузганлик ҳолати юзасидан 27 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича 39 нафар шахсларга оид маъмурий ишлар кўриб чиқилиб, айбдор шахсларга маъмурий қамоқ ва бошқа жазолар тайинланган.

Шахслар томонидан юқорида кўрсатилган ижтимоий хавfli хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида 2020 йил 26 март куни “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-613-сонли Қонуннинг қабул қилиниши билан карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантин талабларига риоя қилмаганлик учун жавобгарлик ва жазо чоралари кучайтирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси янги “Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш” деб номланган 244⁵-модда билан тўлдирилиб, ушбу модданинг 1-қисмига кўра, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланиб, ушбу жиноий ҳаракатларни содир этганлик базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур модданинг 2-қисмида эса унинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш

ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ушбу янги модданинг киритилиши бугунги карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида аҳоли ўртасида асоссиз равишда ваҳима ва турли уйдирмаларни тарқатаётган шахсларга нисбатан тегишли жазо чораларини белгилашга қаратилган.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 257¹-моддаси янги тахрирда қабул қилиниб, мазкур модданинг 1-қисмида санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларни узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарганлиги ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, ушбу жиноий ҳаракатлар базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача (модданинг эски тахририда уч йилгача) озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мустаҳкамланди.

Жиноят кодекси 257¹-моддасининг 2-қисмида ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача (модданинг эски тахририда уч йилдан беш йилгача) озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, 3-қисмида эса ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, етти йилдан ўн йилгача (модданинг эски тахририда беш йилдан саккиз йилгача) озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу модданинг янги тахрирда қабул қилиниши билан модда диспозициясида айнан карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган

шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларни узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланди ҳамда жиноят учун жазо чоралари кучайтирилиши билан бирга, модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноий ҳаракат унча оғир бўлмаган жиноят тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Шунингдек, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Маъмурий жазо” деб номланган III-боби янги тахрирда “Маъмурий жазо ва мажбурлов чораси” деб номланиб, кодекс янги “Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш” номли 29²-модда билан тўлдирилди.

Ушбу моддага асосан, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда, давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин бўлиб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилиши ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилиши ҳамда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган оқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлаш ҳамда ушбу пандемиянинг республикамиз иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бугунги шароитда барчамиз оқоридаги қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга ўз ҳиссамизни қўшиб, зарурат бўлмаган ҳолда уйдан чиқмаслик, уйдан чиққанда, албатта, тиббий ниқоб тақиб, оммавий ва кўнгличлар тадбирлар уюштирмаслик ҳамда бундай тадбирларда қатнашмаслик, тозалик ва тиббий-санитария қоидаларига оғишмай амал қилишимиз лозим.

Зеро, халқимизнинг саломатлиги, оилаларимиз хотиржамлиги ва юртимизнинг фаровонлиги бизнинг бир тану бир жон бўлиб, коронавирус инфекцияси тарқалишини биргаликда енгишимизга бевосита боғлиқдир.



Худоёр МАМАТОВ,
юрим фанлар
доктори,
профессор

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРОЧИЛАР ВА АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий билимини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ўтган давр мобайнида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини кенг жамоатчилик ва ижрочиларга содда ҳамда раво тилда етказиш, бу йўналишда ҳуқуқий маърифий тадбирлар кўламини кенгайтиришни тизимли равишда ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Тарихга назар ташласак, қадим замонлардан жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари давлат ва жамият тараққиётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб келганлигини кўраимиз.

Шарқда ҳуқуқий тарбияга, аввало, зардуштийларнинг улуғ китоби бўлган “Авесто”да жиддий эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик ислом дини кириб келгач ҳадисшунос ва фикҳшунос олимларимиз бу долзарб масалани доимий равишда такомиллаштирилиб борилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Буюк мутафаккирлар Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарларида ҳуқуқий тарбиянинг юксалтирилиб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг ўғитларига кўра, фозил одамлар шаҳри аҳолиси амал қилиши лозим бўлган муҳим қоидалардан бири – қонунларни билиш ва унга итоат этишдир.

Олимларнинг тадқиқотларида қайд этилишича, қадимги Греция ва Римда қонунларни ўргатиш инсоннинг болалик давридан бошланган. Рим давлатида 14 ёшдан кичик бўлган болалар “12 жадвал” Қонунларини ёд олишган. Россия мамлакатининг маданий тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган Пётр I томонидан тақдим этилган “Россиялик болаларни ёшлик пайтидан баркамолликка эриштириш учун ўқитиш ва меҳнат орқали тарбиялаш” концепциясида барча юридик адабиётларни таржима қилиб ўқитиш ҳақида махсус кўрсатмалар берилган.

Ҳуқуқий тарбия муаммолари Франция, Англия, Италия каби Европа давлатларида, шунингдек АҚШда ҳам давлат миқёсида муҳокама қилиниб, ечимлари топилган. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг ёшларга бўлган таъсири фақат ахлоқий бўлиб қолмасдан, бир вақтнинг ўзида катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жо-

рий этилган мактабларда ахлоқ ва ҳуқуқ қоидаларини ўқитиш “фуқаро”, “Ватан”, “армия”, “қонун”, “жамият”, “адолат” сўзларининг маъноларини тушунтириб беришдан бошланганлиги илмий манбаларда ўз аксини топган.

Бугун ҳам замонавий демократик ҳуқуқий давлатларнинг ҳаётида ҳуқуқий таълим ва тарбия беришга жиддий эътибор қаратилади.

2003 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Демократик ҳуқуқий жамият қуриш кўп жиҳатдан фуқаровий-ҳуқуқий таълим даражасига боғлиқ. БМТ илгари сурган “таълим-демократия асоси”, деган даъват эса мактаблар, олий ўқув юртлари, ўқитувчилар ушбу вазифани ҳал этишда алоҳида роль ўйнашидан далолатдир.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг ўн йиллиги (1995-2004) доирасидаги тавсияларини рўёбга чиқариш асносида юртимизнинг барча таълим масканларида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курси татбиқ этилди. Бугунги кунда ҳуқуқий билимларни ўқитиш мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб, олий ўқув юртигача бўлган барча босқичларда узвийлиги таъминланган конституциявий-ҳуқуқий таълим тизими яратилган. Унга мувофиқ ёшлар онгига конституция ва қонунларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги амалий аҳамияти сингдирилиб борилади.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига

бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқий тарғибот масаласига алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган эдилар:

“Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир.”

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 8 февралдаги “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сон Қарори бу борадаги давлат сиёсатининг янги бир босқичини бошлаб берди.

Ушбу Қарор билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Жумладан, вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириб боришни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Шу ўринда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олдида турган бир қатор вазифалар тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бугунги кун ахборот коммуникация технологиялари имкониятидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ҳуқуқий тарғибот ўтказишнинг амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш орқали мониторинг қилиб, бу соҳадаги муайян камчиликларни аниқлаш ва унинг ечимини топиш;

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари, айниқса, сўнгги йилларда кенг жамоатчиликнинг асосий ахборот олиш манбаига айланган ижтимоий тармоқлар, интернет сайтларига (“*uza.uz*”, “*kun.uz*”, “*daryo.uz*”, “*xabar.uz*”)да материаллар жойлаштириб бориш, Ўзбекистон МТРКнинг теле ва радиоканаллари, шунингдек “*Sevimli*”, “*ZO’R TV*”, “*Uzreport TV*”, “*Mening yurtim*” нодавлат телеканаллари билан амалий ҳамкорликни кучайтириб, уларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини содда тилда аҳолига тушунарли қилиб очиб берадиган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни доимий равишда эфирга узатиб боришни йўлга қўйиш;



Учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Матбуот хизматлари расмий веб-сайтларида ёки матбуот органларида ўзларининг соҳаси бўйича янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳларни бериб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш;

Тўртинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жамоатчилик асосида “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат” гуруҳларини тузиш ва аҳоли билан сайёр учрашувлар, мулоқотлар (онлайн, видеоконференцалоқа, телеграмм, Zoom дастурларидан фойдаланган ҳолда) ўтказишни ташкил этиш амалий аҳамият касб этади.

Ривожланган демократик давлатлар жамият ҳаётига бир қур назар ташланса, қонунга итоат қилмаган, қонунни менсимаган кишилар “ижтимоий масъулиятсиз” тоифасига киритилиб, ниҳоятда қаттиқ қораланади. Энг муҳими, кўпчилик давлатларда қонунларга бўйсунини назорат қилиш жамоатчилик назорати орқали амалга оширилади.

Очигини эътироф этиш керакки, қонунларга сўзсиз итоат қилиш масаласини баъзи ўринларда хорижий мамлакатлар тажрибасидан ўрганишимиз лозим.

Агар кундалик ҳаётимизга чуқур назар ташласак ёки оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, аҳолининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ жиддий муаммолар борлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий тафаккури юксалишига омил бўлади. Ҳуқуқий тафаккури юксак инсон эса қонунларга сўзсиз итоат этади. Қонун устуворлигининг амалда таъминланиши эса жамият ва давлат тараққиётини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Фаробий., “Фозил одамлар шаҳри”, “Янги аср авлоди”, 2018 йил., 278-бет.
2. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими”, Тошкент., “Ўзбекистон” нашриёти., 2010 йил
3. “Халқ сўзи” газетаси., 2016 йил., 8 декабрь.



Жамшид РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД

Бугунги кунда коррупцияни миллий хавфсизликка, давлат тараққиётига таҳдид соладиган энг хавfli ва кенг тарқалган салбий ҳодисалардан бири сифатида кўриш мумкин. Коррупция давлат тузилиши ва урф-одатларидан қатъи назар ҳар қандай мамлакатда ўзининг ёмон оқибатларини кўрсатиб келмоқда.

Демократик қадриятлар қарор топиб бораётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига, натижада амалдаги ҳокимиятга нисбатан ишончсизлик кайфиятининг юзага келишига сабаб бўлади. Коррупциянинг маълум бир мамлакатда ривожланиши унинг таъназулига олиб келади.

Коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги янги босқичида коррупцияга қарши курашишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда 2017 йил 4 январда кучга кирган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим жиҳатларини белгилаб берди.

Мазкур қонун билан қуйидаги учта муҳим тушунчага ҳуқуқий таъриф берилди:

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятла-

рини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан яна бири, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирок этиши механизмлари белгиланганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқиш белгилаб берилди.

Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат экани белгиланди:

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиши;
- давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар,



тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

- давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқич-ма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- коррупция билан боғлиқ ҳуқуқ-бузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
- фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Энг ривожланган демократик мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу институтлар жамиятда жамоат назорати қарор топишида, адолат мувозанати таъминланишида ўзига хос ўрин тутлади. Уларнинг коррупция иллатига қарши курашишда иштирок этиши шу йўналишдаги фаолият самардорлиги ошишига хизмат қилади.

Шу соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларда қайд этилишича хорижий мамлакатлар айниқса, коррупция даражаси нисбатан паст деб эътироф этиладиган Скандинавия мамлакатлари аҳолиси ҳуқуқий онгига ижтимоий тенглик гоёси, жамоатчилик ва юридик институтларга

ишонч, шахс даражасида ҳар хил ҳодисаларга бағрикенглик, шунингдек, “жиноят”, “жиноятчи”, “жазо” ва “жавобгарлик” сингари ҳуқуқий категорияларга нисбатан намоён бўлувчи умумий адолат ҳисси хос ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида катта натижаларни қўлга киритган Осиё мамлакатларидан бири – Сингапур ҳисобланади. Сингапур тажрибаси жуда кўплаб нуфузли экспертлар томонидан юксак баҳоланган.

Ушбу мамлакатнинг бутун дунёга машҳур бош вазири Ли Куан Ю (1959-1990) “Қачонки ҳокимият халқ ишончини оқлаш учун эмас, шахсий бойлик орттириш мақсадида фаолият юрита бошласа, бу ахлоқ муаммоси ҳисобланади. Узоқ вақт мавжуд бўлишини истаган жамият ҳалоллик принципига амал қилиши лозим, акс ҳолда жамият яшай олмайди. Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда” деган эди.

Хулоса қилиб айтганда, келгусидаги фаолиятимизда қонун талабларига оғишмай риоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш, хизмат вазифаларимизни виждонан, масъулият ва ташаббускорлик билан бажаришимиз шарт ҳисобланади. Яна шунини таъкидлаш жоизки, адолат қарор топган жамиятда яшашимиз учун нафақат масъул шахслар, балки ҳар бир фуқаро ҳам ўз ҳиссасини кўшиши зарур. Бу фуқароларимизда коррупцияга, аниқроқ айтганда, ҳар қандай нонунбузарликка нисбатан муросасизлик кайфияти, маданияти шаклланишига ҳам боғлиқ. Чунки, ҳар қандай қонунбузарликлар содир этилишига, кўпайишига кўп ҳолларда ўзимизнинг бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлиб келмоқда. Барчанинг яқдиллиги, юрт тақдирига дахлдорлиги кучайиши ҳар қандай иллатнинг батамом барҳам топишига хизмат қилади.



Одилжон СУЛАЙМАНОВ,
Судьялар олий мактаби бош мутахассиси, юридик фанлар номзоди, доцент

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ҲИСОБДОРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

“Ҳисобдорлик” тушунчаси қонун устуворлиги принципининг ажралмас қисми бўлиб, кўпинча халқаро ва минтақавий шартномаларда одил судлов тизимида бурч, жавобгарлик ва ошкоралик каби тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Амалий жиҳатдан ҳисобдорлик аслида давлат ҳокимияти органи устидан назоратни таъминлаш механизмидир.

Мустақиллик ва ҳисобдорлик самарали суд тизимининг ажралмас қисми бўлиб, улар ўзаро бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Суд мустақиллиги принципини кафолатлаган ҳолда суд ҳокимиятининг қатъий ҳисобдорлиги талабларини қандай қилиб таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. “Ҳисобдорлик” тушунчаси кўпинча суд ҳокимиятининг мустақиллигига таҳдид сифатида нотўғри талқин қилиниши мумкин, аммо ривожланган демократик давлатлар амалиёти бундай ёндашувлар бир томонлама эканлигини, аксинча суд ҳокимияти учун ҳисобдорлик механизмларини ривожлантириш муҳимлигини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда суд органлари ҳисобдорлиги бўйича тўғридан-тўғри ва бевосита нормалар мавжуд эмас. Шунга қарамай, суд органларининг ҳисобдорлиги тўғрисида билвосита ҳаволалар аллақачон “жавобгарлик”, “ҳисобдорлик” ва “мажбурият” каби атамалар халқаро шартномаларда ишлатилмоқда. Уларга судьялар одобахлоқ қоидаларига мувофиқ риоя қилиниши керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши конвенцияси”нинг 1-моддасида ҳалоллик ва поклик, масъулиятлилик, оммавий ишларни ҳамда оммавий мулкни тўғри бошқариш каби хислатларни рағбатлантириш асосий мақсадлардан бири сифатида назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур Конвенциянинг 8-моддасига кўра, коррупцияга қарши курашиш учун ҳар бир иштирокчи давлат, хусусан, миллий ҳуқуқ тизимининг асосий тамойилларига асосланган ҳолда давлат хизматчиларининг ҳалоллиги, виждонлилик ва ўз вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашиши-

ни кўллаб-қувватлайди ҳамда институционал ва ҳуқуқ тизимлари доирасида оммавий вазифаларни тўғри, виждонан ва лозим даражада бажарилишини таъминлашга қаратилган кодекслар ва ҳуқ-атвор стандартларини кўллашга интилади.

Ўз навбатида, БМТнинг “Суд органлари мустақиллигига оид асосий тамойиллар”нинг 8-бандида инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, бошқа фуқаролар каби, суд органлари аъзолари ҳам сўз, диний эътиқод, уюшиш ва аъзо бўлиш эркинликларидан фойдаланадилар, бироқ мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш давомида судьялардан ўз лавозимларига бўлган ҳурматни таъминлаш ва суд органларининг дахлсизлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилиши, 18-бандида эса судьялар ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз, деб топилса ёки эгаллаб турган лавозимига ахлоқий жиҳатдан зид бўлган ҳаракатларни қилса, лавозимдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки бўшатилиши мумкин.

Минтақавий даражада Европа кенгаши томонидан “Судьялар мақоми учун Европа хартияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда жавобгарлик тўғрисидаги аниқ қоидалар ва суднинг ҳисобдорлиги билан бевосита боғлиқ жиҳатлар мавжуд. Мазкур Хартиянинг 5.1-бандига кўра, бевосита мақом билан белгиланган муайян лавозим вазифалари судья томонидан бажарилмаслиги унга нисбатан фақат суд органи ёки камида ярми сайланадиган судьялардан иборат органнинг қарори, таклифи, тавсияси ёки розилиги билан тортишув асосида ўтказиладиган тартиб-тамойил доирасида чоралар кўллашга олиб келиши мумкин, бунда жавобгарликка тортилаётган судья ҳимоячи хизматларидан фойдаланиши мумкин.

2003 йилда Африка Иттифоқи томонидан қабул қилинган Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 2-модда 5-банди оммавий ишларини бошқаришда ошкоралик ва ҳисобдорликни таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 12-моддасида, иштирокчи давлатлар фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларига ҳукуматларнинг давлат ишларини бошқаришда энг юқори даражадаги шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини оладилар.

LAWASIA минтақаси олий судлари раислари ва Осийё-Тинч океани минтақаси бошқа судьялари томонидан 1995 йилда Пекинда ҳамда LAWASIA Кенгашининг 2001 йилда қабул қилинган “LAWASIA минтақасида Суд муассасалари мустақиллигининг таъминлаши тўғрисида Пекин баёноти”нинг 22-бандида судьялар лавозимдан фақат ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги исботланган, у томонидан жиноят содир этилган ёки номуносиб хулқ-атвор учун озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги самарали одил судлов тизимининг бир-бирини тўлдирувчи икки жиҳати бўлиб, ушбу принциплар ўртасида муайян қарама-қаршиликлар мавжуд. Дарҳақиқат, устуворлик суд тизимининг мустақиллигини ривожлантириш ва мустақамлашга қаратилади, ваҳоланки ҳисобдорликни таъминлаш механизмларини яратиш ва такомиллаштириш ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Умуман олганда, суд ҳокимияти, бошқа давлат идоралари сингари, ўзлари ишлайдиган жамоатчилик олдида ҳисобот бериши керак, бу ҳисобдорликнинг ташқи шакли сифатида белгиланиши мумкин.

Шунга кўра, суд тизимининг ташқи ҳисобдорлиги жамоатчилик томонидан эшитиш ва суд қарорларини эълон қилиш шаклида таъминланиши мумкин, бу судьялар иши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ва бошқа томонлар тарафидан шарҳлашга имкон беради.

Суд фаолияти тўғрисидаги маълумотларни суд веб-сайтларига жойлаштириш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ва суд тизимидаги ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шаклига мос келади, чунки улар индивидуал



жавобгарлик механизмларининг самарали ишлашини таъминлайди.

Мустақиллик тушунчаси ҳам индивидуал, ҳам институционал нуқтаи назардан талқин қилиниши мумкин, худди шундай ҳисобдорлик ҳам шу тарзда талқин қилиниши мумкин. Дарҳақиқат, суд ҳокимиятининг ҳисобдорлиги фақат одил судлов қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан талқин қилинмаслиги керак: аксинча уни институционал нуқтаи назардан таҳлил қилиш лозим.

Индивидуал ҳисобдорлик одил судлов иштирокчиларининг юқори хулқ-атвор стандартларига риоя қилиш мажбуриятлари билан бевосита боғлиқдир. Судьяларга алоҳида таъсир кўрсатадиган жавобгарлик механизмлари суд ҳужжатларини шакллантиришни қамраб олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулоса ва таклифлар билдирилади:

- Ҳисобдорликнинг суд органлари ва судьяларнинг мустақиллигини чеклаш воситаси сифатида ишлатилишининг олдини олиш учун ҳисобдорлик механизмлари қонунда белгиланган аниқ тартиблар ва объектив мезонларга, шунингдек, профессионал хулқ-атвор стандартларига мувофиқ таъминланиши керак. Аниқроғи, миллий қонунчилик интизомий, фуқаролик ва жиноий жазоларни аниқ ажратиб туриши ва қўлланилиши мумкин бўлган санкциялар турларини белгилаб қўйиши керак;

- Суд тизими ҳисобдорлигининг бир қатор шакллари мавжуд. Унинг механизмлари ва тартиблари нафақат одил судлов иштирокчиларини, балки бутун суд-ҳуқуқ тизимини қамраб олиши керак. Суд тизимининг ҳисобдорлиги алоҳида шахслар, институтларни ҳам қамраб

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Баҳодир БАБАКУЛОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

Суд фуқаролар ҳаётида ҳамда юридик шахслар фаолиятида дуч келадиган низоларни ҳал этишнинг, қилмишга яраша жазо тайинлашнинг самарали воситасидир. Таъбир жоиз бўлса, шифокор инсон вужудидаги касалликни даволаса, суд жамият вужудидаги қусурларни тузатади. Беморга ширин сўз шифо бўлса, судга мурожаат қилган тарафларга адолат даркор. Судьянинг етуқлиги ва маҳорати эса қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

2020 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийetni ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармоннинг учинчи бандида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида қуйидагилар кўрсатилган:

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:

- 2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилиши;
- 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилиниши;
- 2020 йил 1 ноябрга қадар одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб, назорат тартибида иш юриштиш институти бекор қилиниши;
- 2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрий равишда тўлаган ва божхона расмийлаштирувини амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилиши;
- 2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўргунга қадар ихтиёрий тўлашни рағбатлантириш тизими жорий этилиши назарда тутилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини шакллантиришдир. Суд ҳокимияти жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир.

олган ҳолда, инсон ҳуқуқларининг асосий принципларига мос келиши, одил судловни кафолатлаши ва қонун ҳужжатларида аниқ тартиблар ва объектив мезонларни таъминлаши керак, шунингдек, уни суд органлари ходимлари ишига аралашининг воситалари сифатида ишлатилишининг олдини олиш учун ўрнатилган профессионал хулқ-атвор стандартларига асосланиши лозим. Бу суд тизимининг ишига аралашши ва уларнинг мустақиллиги ҳамда юридик соҳа вакилларнинг мустақиллиги чекланишининг олдини олишга йўналтирилган;

- Хорижий давлатларда суд органларининг ҳисобдорлигини жорий қилиш жараёни халигача ҳисобдорликни ўч олиш, корпоративизм ёки одил судлов иштирокчиларига ташқи ва ички босим ўтказиш сифатида фойдаланиш ва бу қийинчиликларни енгиб ўтишда давлатларга ёрдам берадиган халқаро стандартларнинг этишмаслиги каби жиддий муаммоларга тўқнаш келмоқда. Давлатлар самарали, объектив, шаффоф ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуққа мос келадиган, суд ҳокимияти учун ички ҳисобдорлик тизимини яратишга асос бўлиши учун суд ҳокимиятининг ҳисобдорлиги бўйича халқаро стандартларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши керак;

- Ҳисобдор бўлган шахс билан у ҳисоб берадиган форум, орган ёки муассаса ўртасидаги муносабатларни аниқ белгилаш керак;

- Индивидуал ҳисобдорлик суддан ташқари хатти-ҳаракатлар ва бошқа ружсат этилган касбий фаолият ва одил судлов иштирокчиларининг шахсий ҳаётини ҳам қамраб олиши керак;

- Одил судлов тизимининг шаффофлигини ошириш учун, жамоатчилик одил судлов иштирокчиларининг ишини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши, суд муҳокамалари ва қарорлар очик қабул қилиниши керак. Қарорлар ёзма шаклда қабул қилиниши, асослантирилган бўлиши ва маълумотлар базалари ва веб-сайтларга жойлаштирилиши керак, шунда улар ҳақиқатан ҳам очик ва бепул олинishi мумкин;

- Суд тизимининг ҳисобдорлиги мустақил орган орқали амалга оширилиши лозим. Ушбу орган суд мустақиллигини ҳимоя қилиш ва суд тизими ҳисобдорлигини рағбатлантириши лозим.

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ



**Даулетбике
ЕЩАНОВА,**
Преподаватель
и независимый
соискатель
кафедры Бизнес
право ТГЮУ

Большой интерес для развития рыночной экономики представляют отечественные и зарубежные инвестиции, привлечению которых может способствовать предоставление относительно дешевой и вместе с тем, квалифицированной рабочей силы и стабильного рынка сбыта в Узбекистане. В целях увеличения потока привлекаемых инвестиций следует усилить реальные гарантии сохранности и возврата иностранных кредитов и инвестиций, которые будут обеспечиваться страховыми компаниями на внутреннем рынке страны. Представляет определенный интерес предлагаемая учеными-экономистами схема использования в качестве материального обеспечения зарубежных кредитов и инвестиций, республиканских авуаров в заграничных банках, а также вложения валюты в совместное производство зарубежом¹.

На основе изучения специальной юридической и экономической литературы автор пришел к выводу о том, что сложившаяся в последние годы экономическая ситуация показывает осуществление рыночных реформ в Узбекистане, углубление процессов приватизации, обеспечение макроэкономической стабильности, а также поступательный экономический рост, глубокие структурные преобразования в национальном хозяйственном комплексе неразрывно связаны с осуществлением активной инвестиционной деятельности.

В процессе рыночной трансформации национальной экономики Узбекистана коренным образом изменился механизм макроэкономического воспроизводства, включая также инвестиционную деятельность, являющуюся одним из важнейших компонентов макроэкономики страны. В современном Узбекистане, правовому регулированию инвестиционной деятельности уделяется большое внимание. Причиной такого повышенного внимания стала модернизация экономики, успешное проведение которой невозможно без правильно организованного инвестиционного процесса. Повышение объема инвестиций представляет собой важнейшую гарантию успешного осуществления процесса воспроизводства и устойчивого развития национальной экономики. Вместе с тем, без дальнейшего развития нормативно-правовой базы слож-

но не только регулировать, но и заниматься инвестиционной деятельностью. Отечественная правовая система стремится к созданию новых организационно-правовых форм, направленных на защиту инвестиций, установлению гарантий их сохранности. За годы, прошедшие после обретения Республикой Узбекистан государственной независимости был принят целый ряд законодательных актов, направленных на правовое регулирование отношений в сфере инвестиционной деятельности. Однако происходящий в последние годы процесс углубления рыночных преобразований, модернизация экономики, создание новых производств, все увеличивающийся приток иностранного капитала обусловили необходимость модификации нормативно-правовой базы имеющейся в данной сфере.

Сегодня в Узбекистане активно идет формирование инвестиционного законодательства нового поколения. Ярким примером является принятие Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» от 14 декабря 2019 года и новой редакции Налогового кодекса Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года.

Современное инвестиционное законодательство во многом по новому определяет основные понятия в сфере инвестиционной деятельности. Именно поэтому, в данной статье необходимо произвести анализ ос-



новых понятий в сфере инвестиционной деятельности на предмет их соответствия правовой доктрине.

В частности, согласно ст.3 Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» инвестиции – это материальные и нематериальные блага и права на них, в том числе права на объекты интеллектуальной собственности, а также реинвестиции, вкладываемые инвестором на условиях несения рисков в объекты социальной сферы, предпринимательской, научной и других видов деятельности в целях получения прибыли, которые могут включать в себя:

- средства, в том числе денежные средства (включая иностранную валюту), целевые банковские вклады, паи, доли, акции, облигации, векселя и иные ценные бумаги;

- движимое и недвижимое имущество (здания, сооружения, оборудование, машины и другие материальные ценности);

- имущественные права интеллектуальной собственности, в том числе запатентованные или незапатентованные (ноу-хау) технические, технологические, коммерческие и другие знания, оформленные в виде технической документации, навыков и производственного опыта, необходимые для организации того или иного вида производства, а также другие ценности, не запрещенные законодательством Республики Узбекистан.

Существуют также другие трактовки понятия инвестиций, представленные учеными-юристами. Согласно их мнению, инвестиции в широком смысле необходимо понимать как денежные средства, имущественные и интеллектуальные ценности госу-

дарства, физических лиц, направляемые на создание новых предприятий, расширение, реконструкцию и техническое перевооружение действующих, приобретение недвижимости, акций, облигаций и других ценных бумаг и активов с целью получения прибыли (и) или иного положительного эффекта². Кроме того, можно сказать что инвестиции – это «...прирост ценности капитального имущества в результате производственной деятельности данного периода, ... та часть дохода за данный период, которая не была использована для потребления»; «...покупка отдельным лицом или корпорацией какого – либо имущества, старого или нового, дома или машины, ценных бумаг на фондовой бирже и т. д.»³.

В ст.3 Закона «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» закреплено, что инвестиционная деятельность – это совокупность действий субъектов инвестиционной деятельности, связанная с осуществлением инвестиций. Однако данная формулировка понятия инвестиционной деятельности не достаточно раскрывает сущность инвестиционного процесса.

С точки зрения отечественных ученых-правоведов понятие инвестиционная деятельность рассматривается в двух значениях: в широком и узком смысле. В широком смысле – это совокупная деятельность по вложению денежных средств и других ценностей в проекты, а также обеспечение отдачи вложений. Инвестиционная деятельность в узком смысле – это покупка-продажа долгосрочных активов и других объектов инвестирования, не являющихся денежными эквивалентами⁴.

Иными словами, можно дать следующее определение инвестиционной деятельности: инвестиционная деятельность – это вложения капитала в производство, строительство и в социальную сферу. Эти вложения

представляют собой поток расходов, предназначенных для производства благ, а не для непосредственного потребления.

Активность привлечения иностранного капитала в отечественную экономику во многом зависит от проводимой в стране инвестиционной политики. Современные ученые-экономисты обращают внимание на то, что отличительная особенность проводимой в Узбекистане инвестиционной политики состоит в том, что приоритет отдается инвестиционным проектам, направленным на создание новых высокотехнологичных производств, обеспечивающих глубокую переработку местных сырьевых ресурсов. Согласно приведенным ими данным в 2014 году в ведущих отраслях экономики были введены в эксплуатацию 154 крупных объекта общей стоимостью 4,2 миллиарда долларов США, оснащенные современным высокотехнологичным оборудованием⁵.

В тоже время, по мнению специалистов, инвестиционная деятельность связана с риском, потому что процесс достижения полезного эффекта довольно длительный, может тянуться годами; успех в процессе зависит от добросовестности и профессионализма его участников, а также от того, насколько благоприятные или неблагоприятные инвестиционные условия созданы государством⁶.

Приведенные примеры позволяют сделать вывод о том, что в нашей республике создана мощная нормативно-правовая база для будущего экономического развития на основе рыночных отношений. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, активное внедрение новых технологий осуществляется на основе конкретной и всесторонне обоснованной государственной программы действий по экономическим преобразованиям, направленным на внедрение в хозяйственный механизм рыночных отношений и вхождение республики в международное сообщество на конкурентоспособной основе. Реализация поставленной задачи предполагает коренную перестройку всех отраслей экономики, что, в свою очередь требует существенных инвестиционных вложений.

В последние годы в Республике Узбекистан проделана существенная работа по развитию всей правовой базы контроля инвестиционной сферы. Однако, новые направления, создающиеся в целях более активного привлечения отечественных и иностранных инвестиций еще полностью не урегулированы законодательными акта-



ми. На наш взгляд сферой, нуждающейся в более детальной правовой регламентации, является страхование инвестиционной деятельности. В данном аспекте полагаем целесообразным дополнить соответствующие главы Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности» основными понятиями в сфере страхования инвестиционной деятельности, а также включить в них перечень страховых инвестиционных рисков.

В условиях все более активной цифровизации экономики и широкого применения в странах с развитой рыночной экономикой новейших достижений информационных технологий нам также необходимо на основе передового зарубежного опыта законодательное закрепление новых видов страхования инвестиционной деятельности, таких как интернет-страхование.

Поэтому в современных условиях необходима активизация деятельности органов законодательной и исполнительной власти по подготовке и принятию эффективных нормативно-правовых актов, регулирующих отношения в рассматриваемой сфере.

Таким образом, своевременное развитие нормативно-правовой базы, регламентирующей правовое регулирование инвестиционной деятельности, позволит в дальнейшем успешно осуществлять ее в Республике Узбекистан.

Использованная литература:

1. Саттаркулов О.Т. Рахматов К.У. Роль и значение иностранных инвестиций в модернизации национальной экономики // Молодой ученый, 2016 - № 4(111) -С.973.
2. Никитина Е.А. К вопросу об основных понятиях инвестиционной деятельности // Молодой ученый, 2016 - № 8(112) -С.765.
3. Там же.
4. Окюлов О. Дустов У.Н. Хозяйственное (Предпринимательское право): Учебник – Т.: Издательство ТГЮИ, 2010. С.296-297.
5. Саттаркулов О.Т. Тошбоев Б.Б. Инвестиционная политика Республики Узбекистан и ее направления // Молодой ученый, 2016 - № 4(111) -С.975.
6. Никитина Е.А. К вопросу об основных понятиях инвестиционной деятельности // Молодой ученый, 2016 - № 8(112) -С.766.



Дилмурат ДАВЛЕТОВ,
магистрант Высшей
школы судей

ДИСЦИПЛИНАРНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СУДЕЙ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ БЕЛАРУСЬ И РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Вопросы привлечения судей к дисциплинарной ответственности являются актуальными как в Республике Узбекистан, так и в Республике Беларусь.

Судейская ответственность является одной из разновидностей социальной и юридической ответственности, поскольку проявляется в специфических областях человеческой жизни и связана с профессиональной деятельностью специальных субъектов – судей.

Однако вопрос об ответственности носителей судебной власти тесно связан с их иммунитетом.

Судьи являются олицетворением и носителями судебной власти. Судебная власть, как одна из ветвей власти, действует самостоятельно, независимо от законодательной и исполнительной властей. Именно независимость судей является одним из важнейших конституционных принципов, на которых основывается правосудие (ст. 112 Конституции РУз).

Независимости суда придается большое значение и это привлекает внимание не только представителей юридической науки, но и широкой общественности, становится предметом дискуссий.

Одной из проблем, связанных с реализацией судоустройственных гарантий судебной независимости, является проблема соотношения действия принципа неприкосновенности судей и института привлечения их к юридической ответственности.

В общем правовом смысле неприкосновенность судьи – это принцип, согласно которому судья не может быть привлечен к ответственности. Данный принцип в современной науке и практике рассматривается как одна из гарантий судебной независимости, то есть правовое средство, направленное на обеспечение независимого и беспристрастного осуществления правосудия конкретным судьей.

Сущность института неприкосновенности судей выражается, в частности, в том, что несоответствие содержания внутреннего убеждения судьи с внутренним убеждением судей вышестоящих инстанций не влечет для него какой-либо ответственности. С этой точки зрения неприкосновенность судьи не может рассматриваться как его безграничное право или привилегия. Его

границы определяются целями действия – только гарантировать реализацию правосудной деятельности. И так как в содержание понятия правосудной деятельности не входит осуществление судьей каких-либо противоправных, аморальных или иных противоречащих законодательству и кодексу судейской этики действий, это позволяет применять юридическую ответственность по отношению к судье без ущерба действию принципа его неприкосновенности. При нарушении судьей принципа следования им своему внутреннему убеждению действие принципа неприкосновенности прекращается, судья может быть привлечен к ответственности без его нарушения.

Данная теоретическая модель разделения на практике полностью не реализуется. Корень проблемы видится в недостаточно четкой законодательной регламентации института юридической ответственности судей, а зачастую в недостаточно развитой юридической практике, что не дает возможности правоприменителю четко разграничить границы действия данных институтов.

Отсутствие этого разграничения может привести к превращению принципа неприкосновенности (вместе с институтом юридической ответственности) из гарантии судебной независимости в инструмент незаконного давления и контроля за деятельностью судей.

В соответствии со ст. 110 Конституции Республики Беларусь судьи при осуществлении правосудия независимы и подчиняются только закону¹.

Для практической реализации вышеназванного принципа судьи наделены рядом правовых гарантий, среди которых можно отметить особый порядок привлечения к юридической ответственности в целом и к дисциплинарной ответственности в частности.

Положением о дисциплинарной ответственности судей судов Республики Беларусь, утвержденным Указом Президента Республики Беларусь от 4 декабря 1997 г. № 626 определены основания и порядок привлечения судей судов Республики Беларусь к дисциплинарной ответственности, которые действуют в отноше-

нии всех судей, за исключением судей Конституционного Суда.

Хотелось бы отметить, что органами, уполномоченными рассматривать дела о привлечении судьи к дисциплинарной ответственности, как в Республике Узбекистан (Положение «О квалификационных коллегиях судей», утвержденное Законом Республики Узбекистан от 22 апреля 2014 года № ЗРУ-368 «О внесении изменений и дополнений в Положение о квалификационных коллегиях судей»), так и в Республике Беларусь являются квалификационные коллегии судей.

При этом, в Республике Беларусь правом на возбуждение дисциплинарного производства принадлежит: Председателю Верховного Суда, Министру юстиции; председателям всех областных судов; руководителю соответствующего органа юстиции – в отношении судей районных (городских) судов; Председателю Высшего Хозяйственного Суда.

Дисциплинарное производство в отношении Председателя Верховного Суда, Председателя Высшего Хозяйственного Суда возбуждается Президентом Республики Беларусь или в порядке, им определяемом. По решению Президента Республики Беларусь дисциплинарное производство возбуждается также в отношении других судей.

То есть, за несоблюдение правил внутреннего трудового распорядка судья привлекается руководителем соответствующего суда к дисциплинарной ответственности в соответствии с законодательством о труде Республики Беларусь.

Из изложенного усматривается, что правом возбуждения дисциплинарного производства обладают также председатели областных судов.

Если говорить о законодательстве Республики Узбекистан, то правом возбуждения дисциплинарного производства обладает Председатель Верховного суда Республики Узбекистан², а также Высший судейский совет Республики Узбекистан³.

В силу действующего законодательства Республики Беларусь судья может быть привлечен к дисциплинарной ответственности за нарушение законности при рассмотрении дел и за совершение другого служебного проступка.

Отмена или изменение судебного решения не влечет ответственности судьи, участвовавшего в вынесении указанного решения, если при этом не было допущено преднамеренное нарушение закона.

Видами дисциплинарных взысканий являются: замечание; выговор; предупреждение о неполном служебном соответствии; понижение в квалификационном классе на срок до шести месяцев; освобождение от должности.

При наложении взыскания учитываются характер нарушения и его последствия, тяжесть проступка, личность судьи, степень его вины.



В сравнительном плане можно отметить, что в Республике Узбекистан в соответствии с Положением «О квалификационных коллегиях судей» судья может быть привлечен к дисциплинарной ответственности только по решению квалификационной коллегии судей в следующих случаях: за нарушение законности при осуществлении правосудия; за упущения в организации судебной работы вследствие небрежности или недисциплинированности, а также за совершение проступка, порочащего честь и достоинство судьи и ущемляющего авторитет суда; за нарушение правил этического поведения судей.


Квалификационная коллегия судей может налагать на судью, привлеченного к дисциплинарной ответственности, одно из следующих дисциплинарных взысканий: выговор; штраф в размере не более тридцати процентов среднемесячного заработка⁴.

При этом, отмена или изменение судебного решения само по себе не влечет ответственности судьи, участвовавшего в вынесении этого решения, если при этом им не были допущены преднамеренное нарушение закона либо недобросовестность, повлекшая существенные последствия.

Таким образом, на наш взгляд, подход белорусского законодателя в данном случае более продуман. Предлагая большее количество мер дисциплинарного взыскания, он дает право выбора той меры дисциплинарного взыскания, которая наиболее подходит исходя из тяжести совершенного дисциплинарного проступка и обстоятельств, при которых он был совершен.

Использованная литература:

1. Конституция Республики Беларусь 1994 года (с изменениями и дополнениями, принятыми на республиканских референдумах 24 ноября 1996 г. и 17 октября 2004 г.), Глава-6, ст.110
2. ст. 26 Закона Республики Узбекистан «О судах»
3. ст.7 Закона Республики Узбекистан «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан»
4. ст. 55 Положением «О квалификационных коллегиях судей» Республики Узбекистан



